Ёдгорлик устидан териб олинган, ҳар хил даврларга тегишли сополларнинг энг қадимгиси илк темир, археологик даврлаштириш бўйича Кучук III даврига тегишли[1, Б.139]. Улар 5 дона бўлиб, учтасицилиндр шаклли хум ёки хумчаларнинг, иккитаси цилиндроконик идиш бўлакларидан иборат.

Ушбу сополлар тўпламини ишонч билан Кучук III даврига тегишли дейишга сабаб, А.А. Аскаров ва Л.И. Альбаумнинг Кучуктепа[1, Б.78-91], Ш.Б. Шайдуллаевнинг Талашқонтепа[2, Б.119] ёдгорликлари мисолида Бақтриянинг илк темир даври сополларимажмуасига кўра, биз топганцилиндр шаклли хум ва хумчаларда манжет шаклли гардиш ва унинг тагидан ўтувчи чуқурча кўриниши "безак"нинг бўлиши айнан Кучук III даврига хосdir.

Агар буллани мазкур ёдгорликдан топилган Кучук III даври сополлари мажмуаси билан хронологик бир давр деб ҳисоблайдиган бўлсак бу тарихий жиҳатдан Қадимги Бақтрия кавийлиги хукмронлиги даврига тўғри келади[3, Б.243-342]. Кейинги давр тадқиқотлари асосида Қадимги Бақтрия кавийларининг генеалогияси ва улар яшаган давр ҳам ойдинлашиб бормоқда[9, Б.13.132; 19.72], [10].

Кавий хукмдорлар дин раҳномалари сифатида ҳам маълум. Жумладан, Бақтрия кавийларидан бўлган Кавий Виштасп(а) Зардушт таълимотини қабул қилган

биринчи ҳукмдор ва уни тарғиб қилишда, энг асосийси дунё динлари даражасига күтарилишда ҳизматлари каттадир[4, Б.147].

Шундай экан Бақтрия кавийларининг муҳр ва тамғаларда ифодаланиши табиий ҳолдир. Биз юқорида таъриф берган, Узун туманидан топилган буллада Бақтрия кавийлари ифодаланган деган илмий фаразни ўртага ташламоқдамиз ва ўз фикримизни қуидагича асосламоқчимиз. Биринчидан, Бақтрия кавийлари диний ҳукмдорлар сифатида ҳам маълум[5, Б.79]. Тасвирда ифодаланган персонажларнинг фазода учган ҳолатда ифодаланиши бунга яққол мисол бўлади.

Иккинчидан, Бақтрия кавийлари дунёвий ҳукмдорлар тоифасига тааллукли[4, Б.147]. Буллада таҳтнинг ифодаланиши бу фикрни тўлиқ асослайди.

Учинчидан, булланинг Қадимги Бақтрия ҳудудидан топилиши ва ёдгорликнинг Кучук III даврига ҳам оидлиги бизга шундай фикрга келишга асос бўлди.

Тўртинчидан, кавийларнинг энг аввал дин пешволари ва кейин дунёвий ҳукмдорга айланиши ёзма манбаларда сақланиб қолган[6, Б.9], бу ҳолатнинг археологик манба - буллада ҳам ифодаланиши ёзма ва археологик манбаларнинг уйғуналашиши деб ҳисоблаймиз.

Бешинчидан, буллада - фазода ифодаланган инсоннинг Персополда чизилган бақтрияликлар сингари кийимда ва алтар кўтариб турган ҳолатда ифодаланиши[8, Б.231] ушбу буллани Қадимги Бақтрия маданияти даври билан давраштиришга асос бўлди ва унда ишонч билан кавийлари ифодаланган деган фикрни айтиш мумкин.

Олтинчидан, кавийларнинг исмига кўп ҳолларда "асп" сўзи қўшилиши характерлидир. Масалан, Кавий Арватасп, Кавий Виштасп. Демак, уларда от илоҳийлашган ҳайвон ҳисобланган. Маълумки, от энг "учқур" ҳайвондир. Узундан топилган буллада, илоҳий, фазода учётган марказий персонажда ифодаланган одам оёқларининг от оёқлари сингари бақувват қилиб чизилиши бежиз эмаслигини англатади.

Холосалар:

Энди мазкур булла бўйича энг қийин саволга жавоб берсак, бу савол шундан иборатки Қадимги Бақтрия маданиятига оид Кучуктепа, Пшактепа, Таллашқон, Бандихон ёдгорликлари ўрганилган. Аммо, эслаб ўтилган ёдгорликларнинг бирортасидан муҳр ёки булла топилмаган. Нега энди маданий қатлами номаълум бўлган ёдгорликдан топилган буллани, тўртта синиқ сопол парчаси асосида Қадимги Бақтрия маданиятига, яъни кавийларга тегишли деган холосага келинди? Бу саволга жавоб шундан иборатки, Қадимги Бақтрия маданиятига тенгдош бўлган, Эрон ҳудудида жойлашган ёдгорликлардан, жумладан Суза, Персополь каби пойтакт шаҳар харобаларидан, қишлоқ типидаги ёдгорликлардан ҳам кўплаб буллалар ва муҳрлар ўрганилган. Ундан ташқари Оссурия подшолиги ёдгорликларидан ҳам муҳрлар топилган ва илмий муомалага киритилган.

Бақтрияшунос, қадимги санъат турлари бўйича ажойиб фоялар муаллифи А.-П. Франкфорт Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишланган конференциясида Сўғднинг Аҳамонийлар ва Аҳамонийлар давригача бўлган глиптикасига бағишланган маърузасида Ўрта Осиё глиптикаси маҳаллий анъаналар асосида ривожланганлигини таъкидлаб ўтган эди [7, Б.42-48]. Демак, Қадимги Бақтрия маданияти ёдгорликларидан муҳр ва буллаларнинг топилиши узоқ йиллардан буён кутилаётган археологик артефактлардан биридир.

Иқтибослар/ Сноски/References:

1. Аскarov А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. - Тошкент, Фан, 1979. 139 с. (Askarov AA, Albaum L.I. Kuchuktepa Poselenie. - Tashkent, Science, 1979. 139 p.)
2. Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннега железного века. - Ташкент, 2000. - 119 с. (Shaidullaev Sh.B. Northern Bactria in the Early Iron Age. - Tashkent, 2000 . - 119 p.)
3. Šajdullaev Šapulat. Unterchungen zur fruehen Eisenzeit in Nordbakterien // Archaeologische mitteilungen aus Iran und Turan. Band 34. Berlin, 2002. P.243-342. (Šajdullaev Šapulat. Early Iron Age studies in Northern Bactria // Archaeological information from Iran and Turan. Volume 34 Berlin, 2002. P.243-342.)
4. Лившиц В.А. Общество авесты // История таджикского народа. Т.1. М., 1963. С. 147. (Livshits V.A. Avesta Society // History of the Tajik people. T.1. M., 1963.S. 147.)
5. Пьянков И.В. Государства древних Кави // Древние цивилизации Евразии. История и культура. (Тезисы докладов международной научной конференции, посвященной 75-летию действительного члена Академии наук Таджикистана, Академика РАН, доктора исторических наук, профессора Б.А. Литвинского (Москва, 14-16 октября 1998 г.). - М.: 2001. - С. 79. (Pyankov I.V. The states of the ancient Kavi // Ancient civilizations of Eurasia. History and culture. (Abstracts of the reports of the international scientific conference dedicated to the 75th anniversary of the full member of the Academy of Sciences of Tajikistan, Academician of the Russian Academy of Natural Sciences, Doctor of Historical Sciences, Professor B.A. Litvinsky (Moscow, October 14-16, 1998). - M .: 2001. - C .79.)
6. Пьянков И.В. Зороастр в истории Средней Азии: проблемы места и времени (опыт исторической реконструкции). ВДИ, №3, 1996. С.9. (Pyankov I.V. Zoroaster in the history of Central Asia: problems of place and time (experience of historical reconstruction). VDI, No. 3, 1996. P.9.)
7. Francfort H.-P. Trois sceaux de Samarkand "Achemenide" et "Pre-achemenide" et la glyptique de l'Asie Centrale à l'âge du fer // The role of Samarkand in the history of world civilization (Materials of the International Scientific Symposium devoted to the 2750th Anniversary of the City of Samarkand). Tashkent-Samarkand, 2007. - P. 42-48.
8. Gerold Walser. Persepolis. - Tubingen, 1980. - P.231.
9. Авесто. Яшт китоби. М. Исҳоқов таржимаси. Тошкент, 2001. (Avesta. Yasht. M. Isxakov's translation. Tashkent, 2001.)
10. Шайдуллаев Ш.Б, Икромов Н.М. Бақтрия подшоҳликми ёки кавилик? // O'zbekiston tarixi. Тошкент, 2010. № 2. 3-11 бетлар. (Shaydullaev Sh.B., Ikramov N.M. Bactria kingdom or Cavi? // History of Uzbekistan. Tashkent, 2010. No. 2. pp. 3-11.)

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Йўлдошева Зубайда, Боқиев Анвар
Термиз давлат университети

ЁЗМА МАНБАЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

For citation: Yuldasheva Zubayda, Bakiev Anvar. CHARACTERISTICS OF RESEARCHING OF WRITTEN SOURCES. Look to the past. 2020, vol. 3, issue 3, pp. 24-31



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-3-4>

АННОТАЦИЯ

Мақолада тадқиқотчилар учун ёзма манбаларни танқидий матнини тузиш, илмий муомалага киритиш ва информацион таҳлил қилишда юзага келадиган бир қатор муаммолар ҳақида сўз юритилган. Ёзма манбаларни тадқиқ этишнинг ўзига хос жиҳатлари белгиларига қараб туркумланган ва бу классификацияни мисоллар билан асослашга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: Ёзма манба, информацион таҳлил, шахсий коллекция, оригинал матн, автограф нусха, қўлёзма, компиляция, форзац, форзацлист, нахзацлист, хаттот.

Юлдашева Зубайда, Бокиев Анвар.
Термезский государственный университет

СВОЙСТВЕННЫЕ АСПЕКТЫ ИЗУЧЕНИЯ ПИСЬМЕННЫХ ИСТОЧНИКОВ

АННОТАЦИЯ

В статье говорится о возникновении ряда проблем для исследователей при составлении критический текстов письменных источников, введения их в научный обиход, и информационном их анализе. Даётся попытка обосновать примерами классификацию свойственных аспектов изучения письменных источников.

Ключевые слова: Письменный источник, информационный анализ, частная

коллекция, оригинальный текст, автограф копия, рукопись, компиляция, форзац, форзацлист, нахзацлист, писарь.

Yuldasheva Zubayda, BakievAnvar
Termez State University.

CHARACTERISTICS OF RESEARCHING OF WRITTEN SOURCES

ABSTRACT

It is given information about existence of a numerous of problems in information analysis, bringing in scientific treatment and composing of critical texts of written sources in this article. It is tried to justify this classification by examples and categorized according to their characteristics of researching of written sources.

Index Terms: Written source, information analysis, personal collection, original text, copy autograph, manuscript, compilation, forzats, forzatslist, naxzatslist, calligrapher.

Долзарбилиги: Маълумки, ёзма манбаларни танқидий матнини тузиш, илмий муомалага киритиш ва информацион таҳлил қилишда юзага келадиган бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, ёзма манбаларни тадқиқ этишнинг ўзига хос жиҳатлари белгиларига қараб туркумлаш ва бу классификацияни мисоллар асослаш мумкин.

Методлар:

Мақола умум қабул қилинган тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетмат-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

Тадқиқот натижалари:

Ёзма манбаларни танқидий матнини тузиш, илмий муомалага киритиш ва информацион таҳлил қилишда бир қатор мураккаб жиҳатлар мавжуд. Уларни умумий белгиларига қараб қуйидагича туркумлаш мумкин:

I. Умумий ҳолатлар билан боғлиқ жиҳатлар:

а) Ёзма манбанинг турли даврларда кўчирилган нусхаларининг мав- жудлиги;
б) Ёзма манба нусхаларининг дунёнинг турли кутубхоналари ва шахсий коллекцияларида мвжудлиги. Бу икки ҳолатни XIV-XVII асрлар даврига оид баъзи ёзма манбалар мисолида қуйидаги жадвалда кўриб чиқишимиз мумкин:

№	Ёзма манбанинг номи ва муаллифи	Ёзма манбанинг ҳозиргача маълум бўлган нусхалари
1	Жамол ал- Қарший “Ал- Мулҳақот би-с-суроҳ”	РФ ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида 1066/1656 йилга тегишли B-514 шифрли ноқис нусха ва 1831 йилда кўчирилган C-286 тартиб рақамли нусха, 1038/1628-1629 йилларда кўчирилган “Наманганд” нусхаси [3 : 7-14].

2	Низомиддин Шомий “Зафарнома”	Истанбулда “Нури Усмония” масжиди кутубхонасида 1425 йилга тегишли 3367 тартиб рақамли нусха, Лондонда Британия музейи кутубхонасида 1434 йилда кўчирилган 23980 тартиб рақамли нусха [12: 8-9]. Мазкур манбанинг яна бир нусхаси Арманистон кутубхоналаридан бирида сақланадётган- лиги ҳақида ҳам маълумот бор [13: 196].
3	Хожа Тожиддин ас-Салмоний “Тарих-нома” (“Зайли Зафарнома”)	Лондонда Британия музейида OR 159 тартиб рақамли қусурли нусха, Сулаймон Фотиҳ кутубхонасида (Туркия) 4305 тартиб рақамли билан нусха, Лола Исмоил афанди кутубхонасида (Туркия) 304 тартиб рақамли нисбатан тўлароқ бўлган нусха бор [13: 199].
4	Муиниддин Натанзий “Мунтахаб ут-таворихи Муиний”	Лондонда Британия музейида бир нусха, Санкт-Петербургда икки нусха, Парижда Миллий кутубхонада бирнусха, Машҳадда “Остони қудси Ризавий” кутубхонасида бир нусха ва Техронда бир нусха [8: 11-18].
5	“Муъизз ул-ансоб”	Парижда Миллий кутубхонада Persan 67 нусхаси, Лондонда Британия кутубхонасидаги Or. 467 нусхаси, Олигарх Мусулмон университети (Хиндистон) фондида 41 ва 42 тартиб рақамли икки нусха [6: 9-13]. Бу манбанинг Истанбулда Тўпқопи сарой кутубхонасида 2152 тартиб рақамли нусхаси ҳақида ҳам маълумот бор. Бу нусха тўлиқ бўлмасада, унда Бойсунғур Мирзо “Альбоми”дан олинган миниатюралар борлиги диққатга сазовор [13: 204].
6	Фасиҳ Ҳавоғий “Мужмали Фасиҳий”	XV асрга тегишли Лондон нусхаси, 993/1585 йилга тегишли Банкипур нусхаси, XVII асрга тегишли Табриз нусхаси, XVIII асрга тегишли № С-800 рақамли Санкт-Петербург нусхаси, XIX асрга тегишли № В-709 рақамли (бу нусха C-800 дан кўчирилган) Санкт-Петербург нусхаси, 1857 йилга тегишли Кембридж университетидаги нусха, XIX асрга тегишли Тбилиси нусхаси [10 : 27-28];
7	Ибн Арабшоҳ “Ажойиб ул-мақдур фи тарихи Таймур”	Туркияда икки нусха; Дамашқда(Сурия) икки нусха; Ҳалаб ва Қоҳирада ? нусха; Санкт-Петербургда уч нусха; Парижда бир нусха; Манчестерда бир нусха; Гота кутубхонасида бир нусха; Лондонда икки нусха [9: 23-28];
8	Абдураззок Самарқандий “Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн”	Манбанинг иккинчи жилди қўлёзмаларидан 20дан ортиғи дунё кутубхоналарида мавжуд. ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 5374 ва 1825 тартиб рақамли нусхалар, РФ ФА Осиё халқлари институтида (Санкт-Петербург) сақланадётган C443 (952/1545-1546 йилда кўчирилган), C446 ва C442 (1009/1600-1601йилда кўчирилган) тартиб рақамли нусхалар [2: 5-8].

9	Мирзо Мұхаммад Хайдар Аёзий “Тарихи Рашидий”	ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти құләзмалар фондида 10191/II тартиб рақамли туркій таржима нусхаси, р. 1430 рақамли форсча құләзма нусхаси, C0759 рақамли туркій нусхаси, Россия Федерация- си ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлими құләзмалар фондида D 120 (590 о) , D 121(590 ое) , D 122 (590 о) , D 138 (590 о) , D 192, С 569
---	--	--

в) Айрим ёзма манбаларнинг нусхалари мавжуд бўлсада, ҳозиргача матни мукаммал (тўлиқ) бўлган құләzmанинг топилмаганлик ҳолати [7:4-14]; ал-Балазурийнинг "Китоб футуҳ ал-булдон" [14:113], Рашиуддиннинг "Жомеъ ут-таворих" [14:161], Заҳириддин Мұхаммад Бобурнинг "Бобурнома", Абдулла Насруллоҳийнинг "Зубдат ул-асар" [14: 190-191], Ҳасанбек Румлуниг "Аҳсан ут-таворих" [14: 212], Мұҳам- мадиёр ибн Араб Қатағоннинг "Мусаххир ал-билод", Маҳмуд ибн Валининг "Баҳр ул-асрор" [14:223], Мир Олим Бухорийнинг "Фатҳномайи султоний" [14: 239].

г) Айрим ёзма манбалар құләzmasининг оригинал нусхада етиб келмаганлик ҳолати. Ал-Мадоинийнинг асарлари [14: 111], Нажмуддин Абу Хафс Насафийнинг "Китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд" [14: 150], Абулфазл Байҳақийнинг "Тарихи Оли Маҳмуд" [14: 152], Абулҳасан Байҳақийнинг "Машориб ат-тажориб ва ғавориб ал-ғароиб" [14: 158], Мулла Ибодулла ва Мулла Мұхаммад Шарифларнинг "Тарихи амир Ҳайдар"[14: 238].

д) Айрим ёзма манбаларнинг ягона нусхада етиб келғанлик ҳолати. Муаллифи қайд этилмаган "Мужмал ат-таворих ва қисас" (14:147), Фахруддин Муборакшоҳ Марваррудийнинг "Тарихи Муборакшоҳ" (14:151), Мирзо Мұхаммад Ҳайдарнинг "Жаҳоннома" (14:211), Бадриддин Кашибирийнинг "Равзат ур-ризвон" (14:284), Абд ал-Қодир ибн Мұхаммад-Аминнинг "Мажма ал-ансоб ва-л-ашжор" (1:5).

Е) Ёзма манба құләzmalariдаги ноқислик ҳолати [1: 5-6; 2: 6-7; 3: 9-14; 6: 11-12; 7: 4-5; 11: 7; 12: 9;].

ё) Ёзма манбанинг муқоваси янгиланганда (жилдланиш ва құләzma варақларини қўшиб тикиш) ёки бошқа сабабларга кўра, құlәzmadagi варақлар ва фасллар кетма-кетлигининг чалкашиб кетганлиги ҳолати [1: 6; 5: 11-12; 6: 12; 11: 5].

ж) Ёзма манбанинг құlәzmasida рақамланган варақлар кетма-кетлиги тўлиқ мавжуд бўлсада, баъзи варақларнинг матн ёзилмасдан бўш қолиб кетганлиги ҳолати [6: 10-12].

з) Муаллифлар томонидан манбани ёзишда фойдаланилган асарлардан баъзиларининг сақланиб қолмаганлиги (құlәzmанинг сақланмаганлик даражаси турлича бўлиши мумкин: автограф нусха сақланмаган, қўчирма нусха сақланмаган, құlәzma матни умуман сақланмаган, құlәzmанинг айрим боблари сақланган, құlәzma компиляция ҳолатида сақланган ва ҳ.к.) [8: 8-9]. Бунга Султон Мұхаммад ал-Балхийнинг "Мажмуъ ал-ғаройиб" асари мисол бўлади. Тарихчининг фойдаланган асарлар ичида етиб келмаганлари "Осор ал-мутақаддимин", "Тарихи сақолиба", "Анис ул-ваҳдат ва жолис ул-хилват" [14: 249]. Бу ҳолатлар муаллифнинг манбадан қай даражада фойдаланганлиги ва воқеаларни қандай изоҳлаганлигини билиш имкониятини чеклайди.

к) Ёзма манба нусхаларининг форзац, форзацлист, нахзацлист ва бошқа қисмларида құlәzmagaga эгалик қилган ва манбани мутолаа қилган кишилар томонидан қилинган қайдлар ва белгиларнинг мавжудлиги [1: 5-7].

л) Айрим ёзма манбаларнинг оригинал нусхаси етиб келмаган бўлсада, мавжуд бўлган нусхалар ўзаро қиёслангандан, уларнинг бир-бирини тўлдириб, нисбатан бўлсада мукаммал (тўлиқ) матнни ҳосил қилиш ҳолати; Нажмуддин Абу хафс Насафийнинг "Китоб ул-қанд фи тарихи Самарқанд" асарининг Париж ва Истанбул нусхалари бир-бирини тўлдириб туради [16: 74].

м) Айрим ёзма манба матнларида варакәларнинг йўқолганлиги ҳолати; Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг "Ибрату-л-хавоқин" (Тарихи Шоҳрухий) асарининг 1878 йилги нашри 320 бетдан иборат бўлсада, нусханинг охирги бетлари йўқолган [18: 106-107].

II. Муаллифлик билан боғлиқ жиҳатлари:

а) Айрим ёзма манбаларнинг ягона муаллиф томонидан ёзилганлигига шубҳа йўқ бўлсада, муаллиф исмининг аниқланмаганлик ҳолати. "Худуд ал-олам" [14: 143], "Мужмал ат-таворих ва қисас" [14: 147], "Таворихи гузида, нусратнома" [14: 187-188], "Тарихи шоҳ Исмоий Сафавий" [14: 221], "Тазкирайи шоҳ Тоҳмасп" [14: 221].

б) Айрим ёзма манбаларда ягона муаллифнинг йўқлиги ёки ҳозирча аниқланмаганлиги, матннинг кейинчалик ҳам бошқа муаллифлар (муал- лифлар жамоаси) томонидан маълумотлар билан тўлдириб борилганлиги ҳолати [6: 6-7].

в) Ёзма манбанинг баъзи сабабларга кўра, муаллиф томонидан қайта таҳрир этилиши натижасида матнга қўшимча маълумотларнинг киритилиши ва биринчи нусхага киритилган маълумотларнинг қисқартирилиши ёки бутун бир бобнинг (жилд, жуз, фасл, зикр, дафтар, курраса, қисм) олиб ташланиши, матнга тузатишлар киритилганлиги ҳолатлари [1:7; 8:18-20]. Низомиддин Шомийнинг "Зафарнома" асарининг иккита таҳрири мавжуд [14: 167]. Муиниддин Натанзийнинг "Мунтахаб ут-таворихи Мўйиний" асарининг ҳам иккита таҳрири мавжуд. Биринчиси, Искандар Мирзога бағишлиланган, иккинчиси Шоҳрухга тақдим этилган нусха, Искандар Мирзо Шоҳрух томонидан тор-мор қилинганидан кейин (20.07.1414 й.) таҳририятдан чиқарилган. Унда Искандар Мирзо ҳақидаги ҳикоятлар бирмунча қисқартирилган, унинг шаънига айтилган ҳамду санолар олиб ташланган [13: 199]. Ниёз Муҳаммад Хўқандий "Ибрату-л-хавоқин" (Тарихи Шоҳрухий) асарини уч марта таҳрир қилган [18:104-105].

г) Ҳукмрон сулола вакилларининг бирон-бир асардан кўнгиллари тўлмаганда, уни қайта ишлаш учун бошқа муаллифга топшириш ҳолат- ларининг мавжудлиги [8: 37-38; 10: 3].

д) Айрим ёзма манбаларда маълум бир тарихий воқеаларнинг жуда ўхшаш ёки айнан бир хил жумлаларда ёритилиши. Бундай ўхшашликнинг ҳаттоқи, баъзан бутун-бутун саҳифаларда акс этиш ҳолатларининг мавжудлиги; Ёзма манбаларни ёзишда бошқа асарлардан фойдаланиш табиий ҳол. Аммо бу ҳолат ёзма манбанинг компиляция (терма) бўлиши мумкинлиги билан боғлиқ жиҳат эмас. Бу ерда айнан ўхшашлик деганда, ўзаро қиёсланаётган ёзма манбаларда акс эттирилган воқеа ёки маълумотнинг бир муаллиф томонидан ёритилган бўлиши мумкинлигига. Манбашунос олим Ф. Каримий Мирзо Улуғбекнинг "Тарих-и арбаъ улус" асари учун бош манба Шарафуддин Али Яздийнинг "Муқаддима-йи Зафарнома" асари бўлган деб ҳисоблайди ва асарни ёзишда Шарафуддин Али Яздийнинг ўзи ҳам бевосита иштирок этган бўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади [8: 38]. Матндаги бундай ўхшашликни Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар" асари билан Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарида Султон Абу Саид авлодларига оид генеалогик маълумотларда ҳам кузатиш мумкин.

"Бобурнома"ни ёзишда ёки таҳрир қилишда Хондамирнинг иштирок этгани ва манбани маълумотлар билан тўлдиришда ўз асаридаги маълумотлардан фойдалангани эҳтимолдан холи эмас [15: 4].

е) Айрим ёзма манба муаллифларининг киши ва жой номларини ёзишда чалкашликларга йўл қўйганлиги ҳолати [4: 18-19];

ё) Ёзма манбанинг дастлаб бир муаллиф томонидан ёзиг бошланиши ва кейинчалик, турли хил сабабларга кўра бошқа бир муаллиф томонидан ёзиг тутатилганлиги ҳолати. Низомулмулкнинг "Сиёсанома"[14: 145], Мирхонд- нинг "Равзат ус-сафо", Абулғозихоннинг "Шажарайи турк ва мўғул" [14: 193], Муҳаммад Вафойи Карминагийнинг "Тұхфат үл-хоний" [14: 236-237], Муниснинг "Фирдавс ул-иқбол"[14: 195]. "Равзат ус-сафо"нинг еттинчи жилди (то 1467 йилгача бўлган воқеалар) муаллиф томонидан ниҳоясига етказилмай қолиб кетган. Асар хотимаси ва ёзилмай қолган қисмлар муаллифнинг набираси Хондамир тарафидан охирига етказилган [13: 201]. Шу сабабли асар муаллифи Мирхонд оғир бетобликка (водянка - сариқ сув бетобига) чалиниб қолиб, 1498 йилнинг 22 июняда вафот этган бўлсада, асар воқеалари 1523 йилгача бўлган даврни ҳам қамраб олган [14:183-184].

ж) Айрим ёзма манбаларнинг ягона муаллиф томонидан ёзиг бошлан- ганлиги ва баъзи сабабларга кўра тугалланмай қолганлиги ҳолати. Ҳожа Тожуддин ас- Салмонийнинг "Тарихнома"("Зайли Зафарнома") [14:173-174], Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" [14:176-177], Муҳаммад Юсуф муншийнинг "Тарихи Муқимхоний" [14:225-226], Мир Олим Бухорийнинг "Фатҳномайи сultonий"[14:239].

з) Айрим ёзма манбалар матнининг муаллиф томонидан турли тилларда ёзганлик ҳолати; Жамол ал-Қаршийнинг "Ал-Мулҳақот би-с-суроҳ" асари асосан араб тилида ёзилган бўлса-да, матнинг баъзи қисмлари форсийда ёритилган [3: 7]. Абд ал-Қодир ибн Муҳаммад-Аминнинг "Мажма ал-ансоб ва-л-ашжар" асари араб, форс ва туркий тилда ёритилган [1:7].

к) Муаллифнинг баъзан ўз асаридаги матндан бошқа бир асарида ҳам айнан фойдаланиш ҳолати; Ҳофизи Абронинг "Зубдат ут-таворихи Бойсун- гурий"нинг Оксфорд нусхасини кўриб, унинг матнини тарихий - географик тўплам "Мажмуа" билан таққослаган В. В. Бартольд: "Оксфорд қўллэзмасининг матни, баъзан Ҳофизи Абронинг географик асарига айнан тўғри келади", - деб ёзган эди [2: 31].

III. Хаттотлик билан боғлиқ жиҳатлари:

а) Ёзма манба нусхаларининг турли даврларда ва ҳар хил савиядаги хаттотлар томонидан кўчирилганлиги [7: 4-7];

б) Ёзма манбанинг ягона муаллифи ёки муаллифлар жамоаси мавжуд бўлса-да, қўллэzmани қайта кўчириш давомида айрим хаттотлар томонидан оригинал матнга баъзан янги маълумотларнинг киритиб борилганлиги [3: 13; 5: 9-11; 6: 12]; Мирза Фазлбек Санг-Муҳаммад Бадахшийнинг 1657-1809 йил воқеалари ёритилган "Тарихи- Бадахшон" асарини қайта кўчириш вақтида матнни 1907 йилгача бўлган маълумотлар билан тўлдирган [17: 182].

в) Баъзи қўллэzmалар нусхасида манбани кўчирган хаттотнинг хусни-хатидан ташқари бошқа хаттотлар хуснихатларнинг мавжудлиги [3: 13; 5: 11; 6: 11];

г) Ёзма манбадан нусха кўчириш жараёнida айрим хаттотлар томонидан турли хил сабабларга кўра, қўллэzма матnidаги айрим қисмларнинг қолдириб кетилганлиги, кўплаб сўз, киши исмлари ва саналарни алмаштириб, нотўғри шаклда бериши, имловий хатоларга йўл қўйиш ҳолатларининг мавжудлиги [5: 5-

8; 7: 5-7].

IV. Таржимонлик билан боғлиқ жиҳатлари:

а) Ёзма манбаларни таржима қилишда йўл қўйилган нуқсонлар [3: 11-12; 4: 10-11; 6: 8-9; 8: 32-33].

б) Ёзма манбани таржима қилган таржимон томонидан оригинал матнга қўшимча тарзда илова қўшиш ёки оригинал матндан баъзи қисмларни (жилд, фасл, боб, қисм, зикр, курраса, жуз, дафтар) тушириб қолдириш ҳолати [4: 11; 5: 12; 10: 5].

в) Ёзма манбанинг ҳозирча бирон тилга тўлиқ таржима қилинмаганлиги ёки мукаммал матн тарзида чоп этилмаганлик ҳолати. Аҳмад ибн Саъдулла ал-Ўзгандийнинг "Тазкирайи Буғрохоний"[14: 275], Хожа Муҳаммад Порсонинг "Мақомати хожа Алоуддин Аттор"[14: 277], Хожа Абдуллоҳнинг "Мақомати хожа Аҳрор"[14: 279], Маҳдуми Аъзам Косонийнинг "Жомиъ ул-мақомат"[14: 288], Бадриддин Кашмирийнинг "Разват ур-ризвон"[14: 284], Малеҳо Самарқандийнинг "Музаккир ул-аҳсоб" [14: 274-275], Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг "Тарихи жадидайи Тошканд"[14: 245].

Хуносалар:

Мақлолада келтирилган маълумотлардан шу нарса маълум бўладики, манбадаги маълумотларни тўғри таҳлил қилиш биз келтириб ўтган жиҳатларга ҳам боғлиқ, албатта. Кўп ҳолларда бу жиҳатларга айrim тадқиқотчиларнинг жиддий эътибор бермасликлари ҳам табиий хол. Бизнинг келтирган маълумотларимиз манбаларни тўғри таҳлил этиш ва танқидий матнни яратиш ҳамда тузишга хизмат қиласди.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Абд ал-Кадир ибн Мухаммад-Амин. Маджма, ва-л-ашджар / Отв. ред. А. К. Муминов. Введение, перевод с арабского, персидского и тюркского, комментарии, подготовка факсимиле к изданию Ш.Х. Вохидова, А. К. Муминова, Б. Б. Аминова.- Алматы: Дайк - Пресс, 2005. -692 с. (Abd al-Qadir ibn Muhammad Amin. Majma, wa-l-ashjar / Resp. ed. A.K. Muminov. Introduction, translation from Arabic, Persian and Turkic, commentary, preparation of facsimiles for the publication of Sh.Kh. Vokhidova, A.K. Muminova, B. B. Aminova.- Almaty: Dyke - Press, 2005. -692 p.)

2. Abdurazzak Samarkandiy. Matlai Sadayn va Majmai Bahrayn/ From Persian and Tajik translations, words with special meanings of A.Orinboyev. - Tashkent: Uzbekistan, 2008. Т. 2. I-part. - 632 p. (inuzbek)

3. Джамал ал-Карши. ал-Мулхакатби-с-сурах / Введение, перевод с арабо-персидского, комментарии, текст, факсимиле Ш.Х. Вахидова, Б.Б. Аминова / Отв. ред. А.К. Муминов. Алматы: Дайк - Пресс. 2005. - 416 с. (Jamal al-Qarshi. al-Mulhakatbi-s-surah / Introduction, translation from Arabic-Persian, comments, text, facsimile S. Kh. Vakhidova, B. B. Aminova / Otv. ed. A.K. Muminov. Almaty: Dyke - Press. 2005 . - 416 s)

4. Rue Gonzales de Klaviho. "Diary book of the journey in Samarkand to courtyard of Timur" (1403-1406). Responsible editor: Mukhammad Ali; author of preface and comments: Safarov M; translator: O.Togaev. -Tashkent: Uzbekistan, 2010. -P.264.

5. Mirzo Muhammad Haydar. Historical Rashidi. Editor-in-chief, preface, proverb, commentary and index author O.Y. Jalilov; Responsible Editor S. Hasanov; Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Institute of Oriental Studies named Abu Rayhan Beruni - T: О Uzbekistan, 2011. 704 p.

6. Муъизз ал-ансаб (Прославляющее генеалогии). Введение, перевод с персидского языка, примечания, подготовка факсимиле к изданию Ш.Х. Вохидова // История Казахстана в персидских источниках. Том III, Алматы: Дайк-Пресс, 2006. - 672 с. (Muiz al-ansab (Glorifying genealogy). Introduction, translation from the Persian language, notes, preparation of facsimiles for the publication of Sh.Kh. Vokhidova // History of Kazakhstan in Persian sources. Volume III, Almaty: Dyke-Press, 2006. - 672 p.)

7. Muhammadiyah ibn Arab Qataghani. Musakhkhir al-Bilad. Translator from Persian language, authors of comments and indicators: Ismail Bekjanov and Dilarom Sangirova. Responsible editor is Shodmon Vohidov. Tashkent. Yangiasr avladi. 2009. - p.430.

8. Natanzi, Muiniddin. Muntakhabut-tavorikhi Muiny. Author of trans. from Persian, preface and comments Ghulam Karimi. Responsible editor is Asomiddin Urinbaev. - Tashkent: Uzbekistan, 2011. - p.264.

9. IbnArabshokh. Ajoyib al-maqdur fi tarihi Taymur / The authoir of the words with special meanings and the translator U. Uvatov. 1 Books. - Tashkent: Mehnat, 1991.- p.328.

10. FasikhAkhmadibnJalaliddinMukhammad al- Khavafiy. MujmaliFasikhi Translation from Persian. Comments and indications of D.U.Yusupov - Tashkent, Science, 1980 - 346p. (inrussian).

11. Sharafiddin Ali Yazdiy. Zafarnoma / Author of the words with special meanings Ashraf Akhmad, Khaydarbek Bobobekov. - Tashkent: Shark, 1997. - 382 p. (in uzbek)

12. Shami, Nizamiddin. Zafarname. Trans. from Persian by Y. Khakimjonov, processing and preparing the translation for publication and the responsible editor A. Urinbaev, compiler of comments and vocabulary H. Karamatov (comments to geographical names O. Buriev), trans. from the Persian "Zail" ("Appendix") of Khafiz Abrus to "Zafarname" by A. Buriev. Tashkent: Uzbekistan, 1996. -p. 527.

Scientific references:

13. Amir Timur in the world history. Ed. Editor: H. Karamatov. Authors: S. Saidkosimov (leader), A. Akhmedov, B. Akhmedov and others. Enhanced and revised second ed. Tashkent : "Shark", 2001.- p.304.
14. Akhmedov B.A. Sources of history of Uzbekistan. Tashkent, 2001.-p.352.
15. Khondamir, Giyasiddin. The nature of greatness : Chapters about the life of Zakhiriddin Muhammad Babur. Responsible editor is D. Yusupova; Translator from Persian and authors of the introduction and commentary is I. Bekjanov. Bobur Public Foundation.- Tashkent, "Shark", 2011.-p.304.
16. Paul J. The Histories of Samarcand // SI, t. 22, 1993, fascicule 1, p. 69 - 92.
17. Science and Culture in the period of Amir Temur and Temurids / collector is A. Sharipov; Responsible editor is N. Habibullaev.-Tashkent: Academpublish, 2013.- p.232.
18. Historical source study, historiography, topical issues of history research methods and methodologies / Materials of the 6th Republican Scientific and Theoretical Conference. Scientific collection 6.(Tashkent State Institute of Oriental Studies, Responsible editor is M.M. Is`hakov) T., 2014.-344 p.

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Носиров Бунёд,

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети

Жиззах филиали

n.bunyod2020@mail.ru

Носирова Феруза,
ЖДПИ магистранти

ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ТИЗИМИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ҮНГА АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИННИНГ ОРТИБ БОРИШИ (СОВЕТ ҲУКУМАТИ ЙИЛЛАРИДА)

For citation: Nosirov Bunyod, Nosirova Feruza. FORMATION AND INCREASE OF THE POPULATION'S NEED FOR A PUBLIC CATERING SYSTEM IN UZBEKISTAN (DURING SOVIET GOVERNMENT). Look to the past. 2020, vol. 3, issue 3, pp. 32-40



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-3-5>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда XX асрнинг 20-80 йилларида умумий овқатланиш тизимининг фаолияти, бу борада олиб борилган совет ҳукуматининг сиёсати, моддий-техник таъминот, муаммолар ҳамда аҳолининг бу борада эҳтиёжи масалалари ёритилган.

Совет ҳокимияти йилларида умумий овқатланиш тизимининг янги йўналишлари шаклланди. XX асрнинг 40-йилларига қадар умумий овқатланиш тизимини бир неча юқори идоралар томонидан бошқарилиб, бу ҳолат ўз навбатида, турли идоралар таркибидаги умумий овқатланиш муассасаларида хизмат кўрсатиш сифати, нархи ва шароити ҳам турлича бўлишида муҳим аҳамият касб этди.

Республикада XX асрнинг 60-70 йилларида умумий овқатланиш тизимини ривожлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар ва

ишлар кўлами ўша даврда аҳолининг ўсиб келаётган талабларига жавоб беради.

Калит сўзлар: Умумий овқатланиш тизими, ошхона, меъёр, институт, мактаб, "социалистик турмуш тарзи", Иттифоқ республикалари.

Носиров Бунёд,

доктор философских наук по истории, доцент
Джизакский филиал Национального университета
Узбекистана имени Мирзо Улугбека
N.bunyod2020@mail.ru

Носирова Феруза,
магистр в JDPI

"ФОРМИРОВАНИЕ СИСТЕМЫ ОБЩЕСТВЕННОГО ПИТАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ И ПОВЫШЕНИЕ ПОТРЕБНОСТИ НАСЕЛЕНИЯ К НЕМУ" (В ГОДЫ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ)

АННОТАЦИЯ

В статье освещена деятельность системы общественного питания в Узбекистане в 20-80 годах XX века. В том числе проводимые мероприятия советской власти по укреплению системы, материально-технического обеспечения, проблемы и потребности населения в данной сфере.

В советское время сформировались новые направления в системе общественного питания. Следует отметить, что до 40-года XX-го века система общественного питания управлялась несколькими ведомствами. Это, в свою очередь, означает, что качество обслуживания, цены и условия были различны в разных подведомственных предприятиях общественного питания.

В республике в 60-70-е годы XX-го века были предприняты ряды меры и объем работы по развитию системы общественного питания не отвечал растущим потребностям населения в то время.

Ключевые слова: система общественного питания, столовая, норма, институт, школа, "социалистический образ жизни", Союзные республики.

Nosirov Bunyod,

Doctor of Philosophy in History, Associate Professor
Jizzakh branch of the National University
Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
N.bunyod2020@mail.ru

Nosirova Feruza,
Master in JDPI

FORMATION AND INCREASE OF THE POPULATION'S NEED FOR A PUBLIC CATERING SYSTEM IN UZBEKISTAN (DURING SOVIET GOVERNMENT)

ABSTRACT

The article highlights the activities of the public nourishment system in Uzbekistan in the 20-80s of the twentieth century including ongoing measures of the Soviet government policy to strengthen that system, materialistic-technical support, problems and needs of the population in this area.

During the period of Soviet government, new directions were formed in the catering system. It should be noted that until the 40th of the 20th century, the catering system was managed by several departments. This, in turn, means that the quality of service, prices and conditions were different in different subordinate catering establishments.

In the 60-70s of the twentieth century the number of measures and the amount of activities to develop the catering system could not support the increasing needs of the population at that time in the republic.

Index Terms: general catering system, cafeteria, measure, school, institute, "socialist lifestyle", Union Republic .

Долзарблиги: Бугунги кунда инсон манфаатлари ва унинг эҳтиёжларини хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантириш орқали таъминлашга алоҳида эътибор берилаётганини миллий иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасининг улушкини кўпайтириш ҳамда "хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушкини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш"[1]назарда тутилаётганида кўриш мумкин.

Айтиш лозимки, бугунги кунда юртимизда хизмат кўрсатиш соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар кишиларнинг турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилиб келмоқда. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаётганлар улуши иқтисодиётда банд жами аҳолининг 50 фоиздан ортигини ташкил этади [2]. Бу кўрсаткич иқтисодий ривожланган давлатларда хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаётганлар улуши билан деярли teng.

Дарҳақиқат, ижтимоий-маиший инфраструктуралар инсон ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Айнан ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалар фаолияти, шарт-шароитлар ва уларнинг ривожи борасидаги имкониятлар хусусида фикр юритар эканмиз, бу соҳанинг совет давридаги фаолиятига тўхтаб ўтишни жоиз деб ҳисобладик.

Маълумки, ижтимоий инфраструктураларнинг бир тармоги ҳисобланган умумий овқатланиш тизими [3] кишилар ҳаётида алоҳида ўринга эга бўлиб, унда ишнинг тўғри ташкил этилиши, шароити, сифати, аҳолининг эҳтиёж ва таклифларини инобатга олинниши ўз ўрнида муассаса ривожида муҳим аҳамият касб этади.

Умумий овқатланиш муассасалари узоқ тарихга эга бўлиб, уларнинг замонавий кўринишларини вужудга келишида қуйидагиларни эътироф этиш лозим. Бугунги кунда ҳам аҳоли қўп ташриф буюрадиган чойхоналар қадимда работлар, бозор, гузарлар ва маҳаллалардаги хушманзара жойларга қурилган, уларда чой-нондан ташқари турли қанд-қурс, мева қоқилар сотилган, таомлар ҳам тайёрланган. Чойхоналарлар мусофиirlар, йўловчилар тунаб қоладиган жой вазифасини ҳам бажарган. XIX аср охирига келиб Россия империяси Ўрта Осиёни босиб олганидан кейин "Ривьера", "Париж", "Шимол" (Самарқанд), "Регина", "Буффа", "Анона" (Тошкент) каби ресторонларда фақат юқори табака вакилларига хизмат кўрсатилган [4].

Умуман қайд этиш мумкинки, ўтган асрнинг 20-80 йилларида давлат ва жамият бошқарувидан халқ хўжалигининг барча тармоқлари коммунистик мафкура таъсирида фаолият юритиши натижасида, Ўзбекистонда аҳолига майший ва умумий овқатланиш йўналишида хизмат кўрсатувчи тизим ҳам энг оқсан соҳалардан бири бўлди.

Шу даврда, совет мамлакати узра "социалистик турмуш тарзи"ни шакллантиришга кенг эътибор қаратилди ва бу борада, қатор дастурлар ва режалар ишлаб чиқила бошланди. Айниқса бу масалага коммунистик партияning қатор съездлари дастурида кенг эътибор қаратилиб, асосий гоялар сифатида айнан аҳолининг турмуш ва меҳнат шароитини яхшилаш кўзда тутилди.

Бироқ, соҳа ривожи ушбу режаларга номутаносиб бўлди, қатор худудларда умумий овқатланиш муассасалари фаолияти аҳолининг талабга жавоб бермади, соҳа вакилларига жойларда кишиларнинг эҳтиёжи катта бўлди.

Методлар:

Мақолада XX асрнинг 20-80 йилларида Ўзбекистонда умумий овқатланиш тизими фаолияти, соҳада амалга оширилган ўзгаришлар ва янгиликлар, ҳамда уларга аҳолининг муносабати масалалари қиёсийтаҳлил тамойиллари асосида ёритилган.

Ўз ўрнида ушбу мавзу бир қатор совет даври олимларидан М.С.Хидоятов, М.Д.Ражабова, Р.Х.Шадиев, Б.Т.Баринов, ва Э.Юсупов-ларнинг [5] илмий тадқиқот ишларида умумий овқатланиш тизимидағи ўзгаришлар ва фаолияти хусусида қисман маълум бир ҳудуд ёки даврга оид маълумотлар ёритилган. Бугунги кунда ушбу даврга оид умумий овқатланиш тизимиға оид масалалар бир қатор қўшни давлат олимлари, яъни Н.В.Чаус, Д.Б.Ильющенко, Н.Б.Лебина, И.Б.Орлов ва Т.Г.Буярова кабиларнинг тадқиқот ишларида таъкидлаб ўтилган.

Тадқиқот натижалари:

1923-1924 йилларда меҳмонхоналарда ошхоналар, дам олиш жойлари ва бозорларда кизил чойхоналар ва кабобхоналар очилган [6].

XX асрнинг 30-йиллардан бошлаб, совет давлатида аёлларни янги совет давлатини барпо этишга ишларига жалб қилиш мақсадида, уларни ошхона ишидан озод қилиш масаласига эътибор қаратилди. Бу борада турли тарғибот материалларидан кенг фойдаланилди [7].

1930-йиллар охирларидан бошлаб бир қараганда овқатланиш тизими йилдан-йилга ривожлангандек кўринади. Масалан, Тошкент шаҳрида ошхона ва ресторонлар сони 1924 йил 32 та, 1938 йил 47 та, 1939 йил-51, 1940-103 тани ташкил қилган. Тамаддихоналар сони 1938-йилда-103, 1939 й.-181, 1940 й.-302 донадан иборат бўлган [8].

Совет ҳокимияти умумий овқатланиш муассасаларидан молиявий фойда кўришга ҳаракат қилган. Хусусан, 1924 йилда Тошкент "янги" шаҳар совети шаҳардаги барча ресторанлар, ошхоналар ва тамаддихоналар кечаси 23.00 дан кейин ташриф буюрадиган кишилар ҳисобига 2 фоизлик марка ёпишириш ҳақида буйруқ берилган [9].

XX асрнинг 40-йиллариға қадар республикада аҳолига умумий овқатланиш тизими бўйича хизматлар кўплаб идора ва ташкилотлар жумладан, "Ўзбекхунаркенгаш", "Ўзногиронлар хунар кенгаси", "Ўзбекбирлашув", Маҳаллий саноат халқ қўмитаси, Курилиш материаллари халқ қўмитаси, Ўзмаҳсус савдо, Бош савдо, Ҳарбий савдо, Матлубот уюшмаси, Балиқ ови матлубот уюшмаси, Темир йўл буфет, Дарё флоти ҳамда бошқа кўплаб идоралар негизида хизмат кўрсатилди [10].

Ўзбекистонда 1940 йилда 10.000 нафар аҳолига 4 та овқатланиш муассасалари тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич Грузияда 5 тани, Озарбайжонда -7, Латвияда-5, Эстонияда-5 тага тўғри келган [11].

XX асрнинг 60-йилларида аёлларни уй-рўзгор ишларидан озод этиш ва

уларнинг рўзгор ишлари билан бандлиги масаласи ҳам тадқиқотчилар томонидан ўрганила бошланди. Жумладан, ўша даврда В.С.Семёнов томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, уй-рўзгор ишларининг барчасини тахминан 75 фоизини аёллар бажарганлигини қўйидагича маълум қилинади. Бирон жойда ишлаётган аёл ҳар куни ишдан сўнг ўртача 3-4 соат вақтини рўзгор юмушларига сарф этган. Яъни, 2-2,5 соат вақт озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишга, овқат тайёрлашга, дастурхонни безашга, идишларни ювишга, уй тозалашга ва бошқа ишларга кетган. Муаллиф бу орқали аёлларни ўз билимини оширишига, жамоат ишида фаоллигига, спорт билан шуғулланишига, маданий даражасини ўстиришга имкониятлари камайганлигини қайд этади [12].

Умумий овқатланиш тизимини фаолият кўрсатиш йўналиши бўйича асосан бир неча йўналишга ажратиш мумкин. Жумладан улар сирасига аҳоли яшайдиган ҳудудларидағи умумий овқатланиш муассасалари, йирик корхона ва ташкилотлардаги умумий овқатланиш муассасалари, аҳоли гавжум бўладиган жойлардаги, турли шаклдаги ўқув юртларидағи ҳамда дам олиш сиҳатгоҳларидағи умумий овқатланиш муассасаларини мисол бўлади.

1960 йилларда республикадаги бир қанча вилоятларда тизимни ривожлантириш, моддий-техник базани мустаҳкамлаш ҳамда умумий овқатланиш муассасаларининг тегишли муаммоларини бартараф этиш ишларига жойлардаги маҳаллий ҳукумат раҳбарларининг эътиборсизлик билан ёндошаётганликлари соҳага салбий таъсир ўтказган. Турли вазирликлар ва юқори идоралар томонидан ҳам таркибидаги қўйи тармоқларда тизимни ривожлантиришга етарли эътибор қаратмаганликлари оқибатида, республикадаги завод ва фабрикалардаги ошхоналарда бир ўринга меъёр бўйича 6 киши ўрнига 11 киши тўғри келган [13]. Шунингдек, Бухоро, Қашқадарё, Андижон, Самарқанд вилоятлари ҳамда ҚҚАССРдаги саноат корхоналарида ошхоналардаги ўриндиқлар сони 1000 кишига меъёрдагидан 3-2 баробар кам бўлган [14].

Бундан ташқари, XX асрнинг 60-йиллари якунида Самарқанд, Бекобод шаҳарларидағи темир-бетон буюмлари ва цемент заводлари, Кўқон шаҳридаги пахта заводи, Бухородаги пойабзал фабрикаси ҳамда бошқа корхоналардаги ошхона ва буфетлар хизмат кўрсатиш учун ноқулай биноларда жойлашганлиги, омборхоналар йўқлиги, ўриндиқлар жуда камлиги аниқланган. Шу каби ҳолат юзасидан, Тошкент шаҳридаги асбоб-ускуналар заводида 2000 нафар ходим ишлаган ва у ердаги ошхона 80 кишига мўлжалланган (бир ўрнига меъёр бўйича 6 киши ўрнига, 25 киши тўғри келган), Тошкентдаги пластмасса буюмлар заводида 1500 нафардан ортиқ ишчилар ишлашган ва у ердаги ошхона 40 кишига мўлжалланган, Намангандаги костюм ва штапел матолар комбинат ошхонасида бир ўрнига 30 киши тўғри келган [15]. Очиқ турдаги овқатланиш муассасалари Андижон, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида 1000 кишига 12 тагача ўрин тўғри келган [16].

1970 йилда Ўзбекистонда давлат ва кооператив савдосининг чакана савдо айланмаси (умумий овқатланишни қўшган ҳолда) 1960 йилга нисбатан 4 маротабага ошди, умумий овқатланиш тизимни ўзи 2 маротабадан ортиқча ўсади, умумий овқатланиш корхоналари деярли 2 баробарга ошди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозим, аҳолини умумий овқатланиш корхоналари билан таъминланганлиги ўрганиб чиқилганда, ўша даврда умумий овқатланиш корхоналарида 1000 нафар аҳолига совет давлатида -34 та ўрин тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич Украинада -34,5 тани, Ўзбекистонда эса атиги-27 та ўрнига тўғри келган эди [17].

Умумий овқатланиш корхоналарида ишлаётган ходимларга ишлаш ва яшаш учун етарли шарт-шароитлар яратилмаганлиги, меҳнат таътилларини ўз вақтида берилмаслиги, иш вақтини мөъёрига амал қиласлик ҳамда шу каби қатор сабаблар натижасида кадрлар қўнимсизлиги катта қўрсаткичларни ташкил қиласлар эди. Жумладан. Тошкент ресторонлар трестида кадрлар қўнимсизлиги 21 фоизни ташкил этган, ишдан бўшаганларни 70 фоизидан ортиғи ўз ҳоҳишига кўра ишлаш ниятлари йўқлигини маълум қилишган [18].

Ушбу йилларда умумий овқатланиш тизими фаолиятга доир сўров ўтказилди. Унда иштирок этган респондентларнинг 48,1 фоизи умумий овқатланиш тизимидан ҳар куни фойдаланишларини, 15,5 фоизи алоҳида ҳолларда, 7 фоизи умуман фойдаланмасликларини, 11,2 фоизи эса ошхона, кафе ва ресторанлар хизматидан дам олиш қунлари фойдаланишларини маълум қилишган. Респондентларнинг 64 фоизи таомларнинг сифати пастлиги ҳамда қимматлигини оқибатида, иш жойи ва яшаш жойидаги ошхоналардан фойдаланмасликларини баён этишган [19].

Ўзбекистонда умумий овқатланиш тизимида қатор ўзгаришлар юз берди. 1971-1975 йилларда республикадаги шаҳарларда умумий овқатланиш тизими 45 фоизга ёки 100 ўриндиққа ошди, шу жумладан саноат корхоналарида, қурилишларда, транспортда 30 минг ўринга, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида эса -4 минг ўринга, умум таълим мактабларида-70 минг ўринга ошди. Шунингдек, 1000 нафар ишловчиларга 160 ўрин, 1000 нафар талабага -100 ўрин, 1000 нафар ўқувчига -57 ўринни ташкил этди [20].

Бироқ, жойларда моддий-техник базанинг йўқлигидан аҳолининг умумий овқатланиш тизимидағи ўсиб келаётган эҳтиёжларини тўлиқ бартараф этишнинг иложи йўқ эди [21].

Республикадаги олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида жумладан, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтида, педагогика институтида, рус тили ва адабиёти институтида ҳамда Фаргона политехника институтларида -100 ўринли, СамДУ да -250 ўринли ва бошқа ўқув юртларида овқатланиш масканлари барпо этилиши натижасида, ўриндиқлар сони 4790 тага ошди. Лекин, 1000 нафар талабага мөъёр бўйича 180 ўриндиқ эмас, балки 98 та тўғри келар эди [22].

Халқ назорати қўмитаси томонидан 1975 йилда умумий овқатланиш корхоналарининг фаолияти текширилганида Архитекторлик институти қошидаги 12-сонли ошхонада овқатларга керакли маҳсулотларни қўшилмаганлиги, Бухоро шаҳридаги 17 та мактаб ошхоналарида сутли ва сабзавотли овқатларни, иссиқ ичимликларни ташкил этилмаганлиги, бундан ташқари Бухоро шаҳридаги 10-сонли мактаб ошхонасида таомларга керакли маҳсулотларни белгиланган мөъеридан кам миқдорда қўшилганлиги аниқланган. Бундан ташқари, шаҳардаги "Чернышевский" номли ўрта мактабда 908 нафар ўқувчи учун 48 та ўриндиқ, Курилиш техникумига хизмат қўрсатувчи 23-сонли ошхонада 700 нафар талаба учун 20 та ўриндиқ бўлган [23]. Бу борада Андижон вилоятидаги мактаблардаги ошхоналардаги ўриндиқлар сони 1000 нафар ўқувчига 27 тага тўғри келган (мөъёр бўйича 250 ўрин) [24] бўлса, бу даврда Жиззах вилоятида умум таълим мактабларида бу қўрсаткич 50 ўринни ташкил этган [25].

1980 йилда Тошкент, Фаргона, Самарқанд, Кўқон ва Андижон шаҳарларида янгича замонавий лойиҳадаги ошхоналар фойдаланишга топширилган. Лекин, республикада 1000 нафар талабага белгиланган мөъёр асосида 200 ўриндиқ ўрнига 118 та тўғри келган, Қашқадарё вилоятида эса 95 та ўрин, Хоразм вилоятида-83 та ўрин, ҚҚАССРда -81 та ўрин тўғри келган. Олий ва ўрта маҳсус ўқув

юртларида ошхоналарни ташкил этилмаганлиги натижасида талабалар ўқув юрти ҳудудидан ташқарида бўлган жамоат ошхоналарида нисбатан қиммат нархларга овқатланишга мажбур бўлишган. Шунингдек, қўплаб ўқув юртларида мавжуд ошхоналарда санитария ва гигиена қоидаларига риоя этилмаслиги, биноларни фаолият юритиши учун ноқулайлиги, яъни ошхонага мўлжалланмаганлиги аниқланган. Бактериологик текширувлар натижасида Андижон шаҳридаги 9 та талабалар ошхонасида, Самарқанд, Кўқон, Фарғона ва Тошкент шаҳарларида ўқув юртлари ошхонасида ошқозон-ичак таёқчасимон микроблари борлиги маълум бўлган [26].

Шу даврда республикадаги қатор умум таълим мактабларидаги ошхоналар фаолияти ҳам талабга жавоб бермас эди. Яъни ўтган йилларда бу борада бир қатор олиб борилган саъии ҳаракатларга қарамасдан, бу йўналиш фаолиятида жиддий камчиликлар тўлиқ бартараф этилмаганди. Хусусан, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида умум таълим мактабларидаги ошхоналар фаолияти ўрганиб чиқилганида, бу ҳолатни қўйидаги маълумотлар тасдиқлади: кўплаб ошхоналар ўз фаолияти учун номутаносиб бўлган биноларда жойлашган ва ишлаш учун элементар шароитлар мавжуд бўлмаганлиги аниқланган [27]. Шунингдек, мактаблардаги ошпазларнинг таомларни пишириш технологиясини билмасликлари натижасида, таомларга керакли массалиқларни кам миқдорда қўшилиши ёки ўрнига бошқа маҳсулотларни қўшиши, пишириш жараёни жиддий хатоликларга йўл қўйиши кузатилган [28].

Дарҳақиқат, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ҳукумат раҳбарларига юборган маълумотномада, мактаблардаги мавжуд ошхоналарнинг 50 фоизида санитария ҳолати талабларига жавоб бермаслиги, биноларнинг фаолият учун номутаносиблиги, овқатланиш муассасаларда таомни тайёрлашга ҳамда ошхонани ва идиш-товоқлар, анжомларни ювишга оид зарурӣ шароитларни яратилмаганлиги, етарли даражада ўриндиқлар билан таъминланмаганлиги маълум қилинади. Бундан ташқари, қатор мактабларда ошхонанинг ташкил этилмаганидан таомлар маҳсус олиб келинаётганлиги ёки яқин атрофдаги умумий овқатланиш муассасаларига мактабларни бириктирилганлиги баён этилиб, мактаблардаги ошхоналарда керакли миқдорда ўриндиқларнинг етишмаганлиги қайд этилади [29].

Айниқса, сабиқ Иттифоқ давридаги давлат мулклари босқичма-босқич тутатилиб, уларни ҳақиқий мулкдорларга бериш, хусусий мулк манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида, хусусий мулк обьектлари, бизнес ва тадбиркорлик асосларига оид дастлабки қонунлар қабул қилинганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди [2].

1991 йил 18 ноябрдаги Ўзбекистон Республикасининг "Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида" ги қонуни[3] нинг қабул қилиниши бу борада муҳим аҳамият касб этди. Унга кўра, мулкчилик шаклларини ўзгартириш соҳасидаги ишлар республика ҳамда худудий миқёсда босқичма-босқич, маҳсус дастур асосида амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида соҳани босқичма-босқич ривожлантиришнинг устувор ўйналишларини белгилаб берди.

Қабул қилинган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, халқ хўжалигидаги барча соҳа тармоқларини оммавий хусусийлаштириш учун кенг имконият яратилди, мулкка оид амалда бўлган барча чеклашлар олиб ташланди. Бу, шубҳасиз барча мулкдорлар табақасини мулкнинг ҳақиқий эгаларига айланишида ва эркин фаолият юритишларида муҳим қадам бўлди. Агар рақмларга мурожаат қилинса, биргина 1992-1996 йилларда давлат мулки обьектларини хусусийлаштириш туфайли, 1 миллион 74 минг киши хусусий турар-жой эгаси, 2 миллион киши халқ хўжалигининг барча тармоқларида хусусийлаштирилган корхоналар акциялари, пайчилик корхоналарининг эгалари, қишлоқ жойларида эса, 3 миллион киши ёрдамчи хўжалик, 19 минг киши кўчмас мулк эгаси бўлганлар [4].

Бу рақамлар, шубҳасиз жамиятда мулкдорлар синфини шакллантириш ва тадбиркорлик борасида муҳим қадамлар қўйилганлигини англатар эди. Амалга оширилган дастлабки ислоҳотлар натижасида 1991-1996 йиллар мобайнида иқтисодий ислоҳотларнинг барча ўйналишларида салмоқли институционал ўзгаришлар содир бўлди. Хусусан, турар жойлар, савдо хизмат кўрсатиш соҳалари, матлубот жамиятлари ва турли тармоқларнинг майда корхоналарини хусусийлаштириш амалда тугалланди. Аммо ўрта ва йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва тадбиркорларга хусусий мулк қилиб бериш жараёни жадал давом эттирилди.

Методлар:

Мақола тарих ва бошқа ижтимоий -гуманитар фанларда қабул қилинган қиёсий таҳлил, обьективлик, тарихий кетма-кетлик, изчиллик, қиёсий таққослаштамойиллари асосида ёритилди.

3. Тадқиқот натижалари:

Республика мустақиллигининг дастлабки йилларида, айнан шу каби масалаларни қонуний асосда ечиш ва тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш борасида 1994 йилда қабул қилинган "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ва 1995 йил 5 январда эълон қилинган "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида"ги Президент фармони мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга, мулкдорлар табақасини хукуқий манфаатларини ҳимоя қилишга туртки берди [5]. Бу борада кичик бизнесга эътибор натижасида фармонга биноан давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушаётган маблағларнинг 50% кичик бизнесни ривожлантиришга йўналтирилди. Айниқса 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида"ги Қонуни иқтисодиётнинг мазкур секторига давлат ва минтақавий даражада рағбатлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди [6].

Дарҳақиқат, кичик бизнес, тадбиркорлик бозорни зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан бойитишга ҳамда даромад ва фойда олишга қаратилган фаолиятдир. Бу - янги иш ўринларини яратиш, аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш, аҳоли даромадларининг асосий манбаидир. Шу боисдан бу борада бир қатор чора- тадбирлар амалга оширилиши зарур эди:

- Биринчидан, бозор иқтисодиёти шароитида бизнес ва тадбиркорлик учун унинг норматив-хукуқий асосларини яратиш, яъни уни таъминловчи юридик қонунлар тизимини шакллантириш;
- Иккинчидан, бозор инфратузилмасини шакллантириш, бунда бозор иқтисодиётiga кўмак берувчи, яъни бозорга хизмат кўрсатувчи соҳаларни, ташкилот, корхона ва муассасаларни барпо этиш;
- Учинчидан, мулкчилик ва хўжалик юритиш соҳаларини босқичма- босқич хусусийлаштириш, яъни давлат монополиясини жамоа ва хусусий мулк субъектларига айлантириш;
- Тўртинчидан, нархларни эркинлаштириш, улар устидан давлат назоратини минимал даражага тушириш кабилар [7].

Шунингдек, жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг тажрибасидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистонда кичик бизнесни, тадбиркорликни ривожлантиришга иқтисодий ислоҳотларнинг ҳал қилувчи, стратегик аҳамиятга эга бўлган устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор берилди. Мулкни ислоҳ қилиш ва мулкчиликнинг турли шаклларига ўтиш масалалари муҳим бўлган бир пайтда қуидагилар бажарилиши зарур бўлган чора тадбирлар сифатида белгиланди:

- республикада ўтиш давридаги ресурс ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, айниқса, кам таъминланган аҳолининг ижтимоий ҳимоясининг ишончли механизмини ишлаб чиқиши;
- республикада мулкчиликнинг қўшимча яна қандай шакллари бўлишини аниқлаб олиш, айрим, давлатга қарашли ишлаб чиқариш объектларини мулкчилик ва хўжалик юритишнинг бошқа шаклларига ўтказиш;
- истеъмол моллари, халқ хунармандчилиги, халқ ижодиёти маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, умумий овқатланиш ва майший хизмат соҳасидаги ёрдамчи корхоналар, иккиласми ресурсларни ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлайдиган катта бирлашмаларнинг айрим буюртмаларини бажарадиган корхоналарни кичик хусусий корхоналар кўринишида ташкил этишнинг қонуний

тартибини белгиладан иборат бўлди [8].

Асосийси иқтисодий ночор корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш, шунингдек, мазкур корхоналарни модернизациялаш ва барқарор ривожлантириш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш мақсадида хусусийлаштирилган обьектларга нарх белгилашнинг самарали механизми жорий этилди. Жумладан, хусусийлаштирилган корхоналар давлат активларининг бошлангич нархларини секин-аста пасайтириб бориш ҳамда давлат, иқтисодий ночор корхоналарни ва паст ликвидли обьектларни нол даражадаги харид қиймати бўйича танлов асосида инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан инвесторларга сотиш тартиблари тасдиқланди [9].

Бу борада 1995 йил 5 январда эълон қилинган "Хусусий тадбиркорлиқда ташабbus кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида"ти Президент фармони мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга, мулкдорлар табақасини шакллантиришга янада туртки берди[10]. Давлат даражасида хусусий тадбиркорлик фаолияти учун ҳуқуқий-норматив асослар, зарур инфратузилма ва шарт-шароитлар яратилди. Минтақавий (вилоят, шаҳар, туман) даражада эса тадбиркорларга маҳаллий солиқ ва йигимлар солишида енгилликлар берилди, ушбу секторни ривожлантириш учун ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга ошириш тадбирлари белгиланди.

Кичик бизнесни ривожлантиришга чет эллик инвесторларнинг ва дунёдаги нуфузли банкларнинг, жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Германия тикланиш банки, Осиё тараққиёт банки, Xалқаро молия корпорацияси ва бошқа халқаро молия ташкилотларининг кредит ресурслари жалб этилди. Тадбиркорлар ва бизнесменларга маслаҳатлар билан кўмаклашиш мақсадида Немис техникавий кўмаклашув жамияти Ўзбекистонда кичик бизнесни қўллаб-куватлаш марказини, Европа ҳамжамияти комиссияси эса Амалий алоқалар марказини очдилар. Марказий Осиёдаги Америка тадбиркорлик фонди ва Марказий Осиёдаги Буюк Британия инвестиция фонди ўзбекистонлик тадбиркорларга зарур маслаҳатлар билан кўмаклашдилар [11].

1998 йил 9 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ти янги фармони эълон қилинди[12]. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" қарор қабул қилди. Фармон ва қарорга биноан кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожтиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгashi ташкил этилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига Республика товар-хомашё биржаси, Агросаноат биржаси, "Ўзулгуржисавдо" орқали моддий-техника ресурслари сотилди [13]. Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида хўжалик субъектларида "Текширишларни рўйхатга олиш дафтари" жорий этилди. Кичик бизнес субъектларининг ташки иқтисодий фаолияти эркинлаштирилди, улар ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотларни нақд хорижий валютага экспорт қилишга қисман бўлсада рухсат берилди [14].

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ўша кезларда фаолият олиб борган тадбиркорларнинг аксарияти ўз фаолиятларини қонуний асосда юритишни билмаслик ва соҳадаги бюрокартик тўсиқлар билан боғлиқ муаммоларга дуч

келганлар. Бу шубҳасиз, узоқ йиллар соҳанинг жадал ривожланишига имкон бермади. Бу борада Президент Ш. Мирзиёев, қатор йиллар республикада тадбикорликнинг кутилган даражада ривожланмаганлигининг бош сабаби, бу соҳа вакилларини асоссиз равишда текшириш ҳолатлари кўп бўлди. Очифини айтганда тадбиркорликнинг эркин ривожланишига давлат идоралари йўл қўймади. Ҳеч кимга керак бўлмаган тартиб-тамойиллар ҳамон сақланиб қолмоқда, жойларда кўпгина амалдорлар фақат ўз шахсий манфаатини ўйлаб иш кўрмоқда. Бундан бўён бу соҳани қўллаб-қувватлаш, бизнес субъектларини жадал барқарор ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва говларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўрилади [15]"-деган эди.

Ўзбекистон ҳали аграр республика мақомини сақлаб қолган ўша кезларга назар ташланса, қишлоқ хўжалигида туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида давлат хўжаликлари (колхоз ва совхозлар) тугатилиб, жамоа, ширкат хўжаликларига айлантирилди, чорвачилик, аксарият хўжаликларининг қорамолчилик фермалари хусусийлаштирилди, деҳқон ва чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликлари ташкил этила бошланди. Агар мамлактимизда фермерлик ҳаракатининг шаклланиш тарихи ва ривожланишига мурожаат қилинса, фермерликни шаклланитириш мустақилликнинг дастлабки йилларида чорвачилик соҳаси ислоҳотларидан бошланган эди.

Бу борада чорвачилик соҳасини ривожлантириш мақсадида қабул қилинган норматив-хукуқий ҳужжатлар орасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 марта "Республика чорвачилигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора - тадбирлари тўғрисида"ги, 1994 йил 23 февралда "Чорвачиликда иқтисодий ислоҳотларни такомиллаштириш ҳамда деҳқон (фермер) хўжаликлари ва хусусийлаштирилган фермалар манфаатларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида", 1995 йил 24 марта "Чорвачиликда хусусийлаштиришни давом эттириш ва хусусий тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш чора - тадбирлари тўғрисида" ги қарорлари муҳим аҳамият касб этди. Бу қарорларга кўра, 1995 йилда жамоа хўжаликларининг заарар билан ишлаётган 1499 қорамолчилик фермалари хусусийлаштирилди. Натижада республикада ишлаб чиқарилётган гўшт ва сутнинг 75% ни хусусий сектор бера бошлади [16].

Ушбу даврда аграр соҳа фермерлик йўналишининг шаклланишида давлат тасарруфидаги қўй, эчки, қорамоллар, йилиқи, тия каби ҳайвонларни фермерларга бўлиб бериш, давлат мулкчилигини тугатиш, уларни хусусийлаштиришга катта эътибор қаратилди. Натижада 1990 йилда республикада биронта ҳам фермер хўжалиги фаолият юритмаган бўлса, 2000 йилга келиб улар тасарруфидаги ерлар 632,2 минг гектарга, 2010 йилга келиб эса 3 млн 143 минг гектарга етган. Ваҳоланки 1990 йилда Ўзбекистонда совхозлар, колхозлар, ёрдамчи хўжаликлар махсус ширкатлар, қоракўлчилик фермаларига тегишли ер майдонлари 3 млн 974 минг гектар бўлган [17]. 90-йиллар охиридан бошлаб аграр соҳада фермер хўжаликларининг ташкил этилиши барқарор ва мунтазам тус олди.

Янги қабул қилинган норматив-хукуқий ҳужжатларга кўра, фермер хўжаликларини ислоҳ қилиш шарт шароитлари Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини фермер хўжаликларига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида батафсил ёритиб берилган. Агар 90- йиллар охирида республикада фаолият кўрсатган фермер хўжаликларининг сони 55445 та бўлган бўлса, 1992 йилдан 1999 йилгача жами 428 та ширкат хўжалиги негизида 22 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил этилади[18]. Ўзбекистон

мустақиллигининг дастлабки йилларида республикада бозор иқтисодиётiga асосланган тараққиёт йўли танланиб, авваломбор мулкчилик ва тадбиркорлик учун муносиб шарт шароитлар яратилган эди. Чорвачилик соҳаси ҳам бундан мустасно эмас эди. Бунда авваломбор соҳанинг норматив-хуқуқий асосини шакллантириш бош мақсад қилинди ва бу борада амалий чора тадбирлар кўрилди.

2. Хулослар:

Хулоса қилиб айтганда, энг муҳими, иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки йилларида мустақил давлатнинг иқтисодий, ижтимоий тарққиётини таъминловчи хусусий мулк ва бизнес юритиш механизmlарини ва инфратузилмасини яратиш ҳамда уларнинг қонунчилик асосларини шакллантириш борасида маълум тажрибаларга эга бўлинди. Ўтган йиллар мобайнида бу борада республикамизда аниқ вазифалар белгиланди ва амалга оширилди, зарур ютуқлар кўлга киритилиши билан бирга, айрим камчиликларга ҳам йўл қўйилиб, уларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирлар кўрилди. Сўнгги йилларда олиб борилаётган янгича ислоҳотлар натижасида аҳолининг яхши яшashi учун ҳар томонлама шарт шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштиришда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси биз тадқиқ этаётган соҳани ислоҳ қилишда муҳим норматив-хуқуқий асос, айниқса комплекс дастур вазифасини ўтамоқда.

Иқтибослар/Сноски/References

1. "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1990 йил 30 октябрь.// Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. Т., 1991., (1. The Law of the Republic of Uzbekistan "On Property". October 30, 1990.// Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan. -T., 1991)
2. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистонда тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуни. 1991 йил 15 февраль. // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. Т., 1994.(The Law of the Republic of Uzbekistan "On Entrepreneurship in Uzbekistan". February 15, 1991. Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan. -T., 1994.)
3. "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. Т., 1995. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On Initiative and Promotion of Private Entrepreneurship" // Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan. -T., 1995)
4. Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни. Тошкент, "Халқ сўзи" газетаси, 2000 йил 25 май. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On Initiative and Promotion of Private Entrepreneurship" // Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan. - T., 1995)
5. Статистик тўплам. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. -Т., 2011. 95- 97 бетлар.(Statistical Collection. Main trends and indicators of economic and social development of the Republic of Uzbekistan during the years of independence

(1990-2010) and forecasts for 2011-2015. -Т., 2011. pp. 95 - 97)

6. Ўзбекистон Республикасининг "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонуни. 1994 йил 14 апрель., ,Ўзбекистон Республикасининг "Лизинг тўғрисида"ги Қонуни. 1999 йил 14 апрель.(Law of the Republic of Uzbekistan "On NGOs". April 14, 1994 Law of the Republic of Uzbekistan "On Leasing". April 14, 1999)

7. Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"ги Қонуни (янги таҳрирда). 2003 йил 24 апрель., ,Ўзбекистон Республикасининг қонунлар тўплами. -Т.,1991 (Law of the Republic of Uzbekistan "On Bankruptcy" (in new edition). April 24, 2003. // Law Collection of the Republic of Uzbekistan. -Т., 1991.)

8. "Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. - Т., 1991. Ўзбекистон Республикасининг қонунлар тўплами. -Т., 1991 (Law of the Republic of Uzbekistan "On denationalization and privatization of property" - T., 1991. Law Collection of the Republic of Uzbekistan. -T., 1991)

9. Ўзбекистон давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-куватлаш кўмитаси Бюллетени. -Т., 1996. 1-сон. 7-11 бетлар (9. Bulletin of the Committee for the Management of State Property and Support of Entrepreneurship in Uzbekistan.T., 1996. Issue 1. Pages 7-11).

10. "Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон. // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. Т., 1995. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On Initiative and Promotion of Private Entrepreneurship" // Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan. -T., 1995)

11. Ўзбекистон Республикасининг "Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида"ги қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари тўплами. -Т., 1995. (Law of the Republic of Uzbekistan "On the development of small and private entrepreneurship" // Collection of legislative acts of the Republic of Uzbekistan. -T., 1995)

12. Эгамбердиев Э, Хўжақулов Ҳ. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Т., 1999 79-бет.(Egamberdiev E, Hodzhakulov H. Small business and entrepreneurship.-T., 1999 page 79

13. Толипов Ф. Некоторые аспекты малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане.// International journal of innovative technologies in economy. Польша. Варшава. 2(22) .2019. (Tolipov F. The aspect of business and business development in Uzbekistan.// International journal of innovative technologies in economy. Poland. Warsaw. 2 (22). 2019)

14. Валижонов А.Р. Особенности современного этапа разгосударствления и приватизации. - Восемнадцатые Международные Плехановские чтения "Реформирование и модернизация национальной экономики - стратегический курс на демократизацию и обновление общества": Тезисы докладов профессорско-преподавательского состава и специалистов-практиков (26 марта 2005г). Выездная сессия в г.Ташкенте. - М.: изд-во РЭА, 2005, -С.22-23.

15. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. "Халқ сўзи" газетаси. -Т., 2017. 23 декабр. (Address by the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev to the Oliy Majlis. The People's Word . -T., 2017. 23 December).

16. Обломуродов Н. Ҳазаратқулов А, Толипов Ф ва бошқалар. Ўзбекистон

тариҳи.Т., 2011.286-287 - бетлар.(Oblomurodov N.Hazaratkulov A, Tolipov F and others. History of Uzbekistan. -T., 2011. pp. 286-287)

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. - Т., 1998. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to further stimulate the development of private entrepreneurship, small and medium business". // Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan. -T., 1998)

18. Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида (Усмонов Қ., Фаниев Д). -Т: Ўзбекистон, 1994 й. (Uzbekistan on the path of independent development (Usmanov Q, Ganiev D). -T: Uzbekistan, 1994)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

Тогаев Мамаразок,
Тошкент Педиатрия
Тиббиёт институти катта ўқитувчиси
togaev1960@mail.ru

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ТИББИЁТ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ

For citation: Tagaev Mamarazok. *HISTORY OF MEDICINE DEVELOPMENT IN TURKISTAN. Look to the past.* 2020, vol. 3, issue 3, pp. 63-67



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-3-9>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Россия империяси ўлкани босиб олгандан кейин, ўлкада рус харбийларини даволаш мақсадида лазаретлар очилганлиги, улар госпиталларга айлантирилиб, Тошкент, Самарқанд ва Каттакўргонда касалхоналар қурилиб ишга туширилганлиги, аёллар ва эркаклар учун амбулаториялар хусусида сўз боради. Лекин ерли аҳоли бу ердаги харбий кийимдаги шифокорлардан қўрқиб, уларга мурожат қўймасдан, фельдшер ёки табибларга мурожат қилишни маъқул кўришганлиги ҳақидаги маълумотлар ёритилган. Тиббий ходимларнинг етишмаслиги бутун мамлакатда кузатилиб 1913 йилги маълумотларга кўра, Туркистанда 1 шифокорга 26 минг аҳоли, Россияда эса 6900 аҳоли тўғри келганлиги айтилган. Собиқ шўролар даврида жигар, болалар ва аёлларнинг камқонлик касалликлари кўпайганлиги ёритилган. Бугунги Мустақиллик даврида она ва бола саломатлигини асрарда олиб борилаётган ислохотлар халқ саломатлигини тиклашда муҳим омил эканлиги айтилган.

Калит сўзлар: тиббий маданият, санитария-гигиена, поливитаминалар, ҳарбий лазарет, госпиталь, касалхона, "Қизил хоч", амбулаторияси, фельдшер, табиб, шифокор, доя, соғлиқни сақлаш, "Моштабиб", иситма.

Тагаев Мамаразок,
Старший преподаватель
Ташкентского Педиатрического медицинского института
togaev1960@mail.ru

ИСТОРИЯ РАЗВИТИИ МЕДИЦИНСКОЙ СФЕРЫ В

ТУРКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье после завоевание Российской империи в краю открылись для русских военных лазареты и превратили их в госпиталь. Открыли больницы в Ташкенте, Самарканде и Каттакургане и амбулатории для женщин и мужчин. Однако местное население опасаясь врачей военной форме не хотели обращаться к ним и обращались к целителям и фельдшерам. Дефицит медицинского персонала в стране по сведениям 1913 года, в Туркестане на одного врача приходилось 26 тысяч человек, а в России - 6900 человек. Бывшим советское время распространялось заболевание печени, детское и анимии женщин. Утверждается, что реформы в период независимости являются важным фактором укрепления общественного здоровья

Ключевые слова: Медицинская культура, гигиена, поливитамины, военный лазарет, больница, госпиталь, "Красный крест", поликлиника, фельдшер, целитель, акушерка, "Мошабиб", лихорадка

Tagaev Mamarazok,
Senior teacher of Tashkent pediatric
medical institute. togaev1960@mail.ru

HISTORY OF MEDICINE DEVELOPMENT IN TURKISTAN

ABSTRACT

In the article, after the conquest of the Russian Empire in the province, hospitals were opened for the Russian military and turned them into a hospital. Opened hospitals in Tashkent, Samarkand and Kattakurgan and outpatients for women and men. However, the local population, fearing doctors in uniform, did not want to contact them and turned to healers and paramedics. The shortage of medical personnel in the country according to 1913, in Turkestan there were 26 thousand people per doctor, and in Russia - 6900 people. Formerly Soviet times, liver disease, childhood and women's animations spread. It is argued that reform during independence is an important factor in strengthening public health

Index Terms: Medical culture, hygiene, multivitamins, military infirmary, hospital, hospital, Red Cross, clinic, paramedic, healer, midwife, Moshabib, fever

Долзарблиги: Мустақилликка эришганимиздан сўнг мамлакатимизда ҳар соҳада аҳоли ўртасида тиббий маданиятни оширишга, санитария-гигиена соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, ҳомиладор аёлларни асраб-авайлаш, ёш оналар ва болаларни талаб даражасида парвариш қилиш ва тарбиялашга қаратилгандир. "Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур" иборасининг мавжудлиги бежиз эмас. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинаётган қарорлар оналар ва болалар саломатлигини асрашга тиббий муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий асбоб - ускуналар ва малакали кадрлар билан таъминлашта хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ҳомиладор аёлларни ва гўдакларни ўз вақтидава сифатли

овқатланиши, поливитаминалар, микроэлементларга бой маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва болаларни доимий тиббий кўрикдан ўтказиб бориш тадбирлари амалга ошириб келинмоқда. Бу тадбирлар бугунги кунда долзарб масалага айланган.

Бугунги кун сиёсати борасида ёшларимизга тўғри тушунча бериш, унинг қадрига етиши учун ёшларимизга кечаги кун тарихидан сабоқ бериш, биз тарихчиларининг олдида турган долзарб вазифадир.

Методлар:

Мақола тарих ва бошқа ижтимоий гуманитар фанларда қабул қилинган қиёсий таҳлил, объективлик, тарихий кетма-кетлик, изчиллик, қиёсий таққослаштамойиллари асосида ёритилди.

Тадқиқот натижалари:

Тарихга эътибор берсак, Россия империяси ўлкани босиб олгандан сўнг минтақадаги ижтимоий-иктисодий жараёнлар ўзгарди. Ўлкага Россия истилоси билан бирга Европа тиббиёти ҳам кириб келди. Рус империясининг харбийлари учун босиб олинган худудларда лазаретлар барпо этилиб унда асосан рус аскарлари даволанишган. Жумладан, 1868 йилнинг кузида Тошкентда 30 ўринли ҳарбий лазарет очилади. Орадан икки йил ўтиб у 400 ўринли госпиталга айлантирилади. Шу или Самарқандда ҳам 15 ўринли касалхона очилади. 1873 или Каттакўргонда шундай касалхона қурилиб ишга туширилади [1,Б.147]. Янги шаҳар қисмида кўчириб келинган рус аҳолиси учун ўзларининг тиббий тизимлари мавжуд бўлиб, ундан ерли аҳоли фойдалана олмаган. Чунки унинг хизмат нархи анча қиммат бўлган. Жумладан, 1890 йилга келиб Тошкентда 20 ўринли касалхона очилиб, орадан 8 йил ўтгач ўринлар сони 50 тага етган. 1883 йилда Тошкентда аёллар амбулаторияси очилган. 1886 йилда эса эркаклар амбулаторияси ишга туширилган [2,Б.147-148]. Ерли аҳолига тиббий ёрдам ҳақидаги А.П.Спиридоновнинг маълумотида берилишича, Тошкентнинг ўзида тиббий муассасалардан шаҳар ва "Қизил хоч" касалхоналари, харбий госпиталь ва эски шаҳар амбулаторияси бўлиб, ерли аҳоли бу ердаги харбий кийимдаги шифокорлардан қўрқиб, уларга мурожат қилмасдан, фельдшер ёки табибларга мурожат қилишини маъқул кўришган [3].

Россия халқлари учун Рус шифокорлар ташаббуси билан 4 та амбулатория даволаш маскани, 2 та маҳаллий шифохона ва 1 та туруқхона ташкиллаштирилган эди. Умумий қилиб айтганда, Туркистонда 356 ётоқдан иборат 27 шифохона бор эди. Бу шифохоналар аҳоли сони учун қониқарсиз аҳволда эди. XX аср бошидаги маълумотларга кўра, 1 ётоқга 13 минг киши, Россияда эса 1 ётоқга 1100 киши тўғри келар эди. Тиббий ходимларнинг етишмаслиги бутун мамлакатда кузатилар эди. 1913 йилги маълумотга кўра Туркистонда 1 шифокорга 26 минг аҳоли, Россияда эса 6900 аҳоли тўғри келар эди. Тиббий ходимлар асосан шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатар эди. Қишлоқларда соғлиқни сақлаш ачинарли аҳволда эди. Туркистонда умуман шифохоналар бўлмай, қишлоқ аҳолисига саноқли фельдшерлар хизмат кўрсатган [4,С.5].

Тиббий муассасаларда моддий маблағ етишмовчилиги туфайли керакли дори -дармон етишмаслиги кузатилган. Асосий ролни туркуқда ёрдам берадиган доя онахонлар ўйнар эди. Биринчи даврда доялар рус аёлларга ёрдам бериши, маҳаллий аҳоли ҳам дояларга анчагина муҳтож эди. 1914 йил Туркистонда 45 та аёл шифокорлар ишлаб, мамлакатнинг катта шаҳарлари, яъни Тошкент, Самарқанд, Андижон, Кўқон, Марғилонда аёллар ва болалар учун шифохоналарда аёл шифокор ва доялар хизмат кўрсатар эди [5,С.6].

Аҳолининг асосий қисми касал бўлганда халқ табобатидан фойдаланганлар. Бунга сабаб, XIX асрнинг охирларида келганда мадрасаларда дунёвий фанлар ва тиббиёт ўқитилмас, шу сабаб билимли табиблар камайиб, тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжни қоплай олмади. Аксарият ҳолларда табибларда маҳсус тиббий билим бўлмаганлиги боис, улар кўпгина хатоликларга йўл қўйганлар. Яъни улар кўпроқ касалликни эмас, касаллик белгиларини даволаганлар. Жумладан, беморнинг иситмаси баланд бўлса, бу иситманинг сабаби нимадан эканлигини англамасдан, иситма туширувчи дориларни тавсия қилганлар[6,Б.145-146].

XIX аср охирларида келиб, Ўрта Осиёда Хўжа Мирзо Муродов, Хўжа Насрулло, Абдурашид Қори, Маҳзум Қодирий каби табибларнинг номи машҳур бўлган. Бухорода маҳсус тиббиётга оид ўқув юрти- Дорул-Шифомадрасасида табиб ва доришунослар тайёрланган[7,С.7].

Бу даврда шарқ табобатига ўз ҳиссасини қўшган Тошкентлик табиблар сулоласи вакиллари халқни даволашда кенг кўламли ишларни амалга оширганлар. Жумладан "Моштабиб" атамаси ҳақида халқ орасида бир неча таҳминлар бор. Улар кўпгина ҳолларда ҳажга сафарлар уюштириб, одамларни йўл-йўлакай даволаганлар. Бу атамани келиб чиқиши ҳақида шуни айтиш лозимки, бу сўз "Моштабиб", "Мостабиб" яъни, синган ёки чиққан жойни бир-бирига мослаб қўйувчи, деган маъноларни англатган.

Тарихда номлари машҳур бўлган Моштабибларнинг аждодлари Азимхожи, Арбоббой, Муталбой, Муҳаммадшукурлар ўз даврининг олими уламолари бўлиш билан бир қаторда, табибчиликда ҳам шуҳрат қозонганлар. Сулоланинг кейинги авлодлари Муҳаммад Иброҳим (1871-1852), Муҳаммад Собир (1900-1966) Абдужаббор Муҳаммад Собир ўғли (1934-2006) узоқ йиллар давомида Шайхонтоҳур туманининг Гулбозор маҳалласида яшаб, табибчилик соҳасида фаолият юритган. Муҳаммад Собир ўғли беморларни даволашда ўз усули билан тайёрлаган дори дармонлар, шунингдек, синган жойни қимиirlатмаслик учун тол новдасидан тахтакач ясад "тахтакашлаш" усулидан фойдаланган[8].

Собиқ шўролар даврида чақалоқларнинг қўпчилиги мажруҳ бўлиб туғилган бўлсада, бу ҳақда матбуотда ёзилмас, биргина пестицид туфайли жигар касаллиги, болалар касаллиги, аёлларнинг камқонлик касаллигига дучор бўлиш ҳоллари учраб турган. Тиббиётда бир дона шприцни қайта қайнатиб, ўнлаб инсонларга мулоажалар қилинган.

Бугунги кунга келиб, қишлоқларда соглиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида самарасиз қишлоқ врачлиқ пунктлари қисқартирилиб, уларнинг ўрнига туну - кун фаолият кўрсатадиган қишлоқ оиласи поликлиникаси ташкил этилиб, уларда тез - тиббий ёрдам шоҳобчаси ҳамда кундузги стационарлар очилди.

Республикамида сил билан касалланиш кескин камайди. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари худудларга 2407 марта ташрифлар қилганлар, 2016 йилда бу рақам 500 тани ташкил қилган эди. 2015 йил уларнинг хизматидан 30 минг киши фойдаланган бўлса, 2017 йилда ушбу кўрсаткич 220 мингга етди. Соҳа учун кадрлар тайёрлаш ишлари кўлами кенгаймокда. Олий маълумотли шифокорлар тайёрлаш учун қабул квоталари сони ошди, шундан 1180 таси мақсадли худудий квотадир. Клиник ординатурада мутахассислар тайёрлаш бўйича ҳам квоталар оширилди. Бундай ишлар доирасида қишлоқларда фаолият юритаётган қўплаб шифокорлар хизмат уй-жойлари билан таъминланди. Тез тиббий ёрдам бўлимлари ихтисослаштирилган автотранспорт воситалари, асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди ҳамда уларга

ажратиладиган дори воситалари ҳажми 2 бараваргакўпайтирилди. 2016 йилда 806 та тез тиббий ёрдам станцияси ва кичик станция фаолият кўрсатган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 2 минг 100 дан ошди[9,Б.63].

Хуросалар:

2020 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга қилган Мурожатномасида ҳам тиббиёт тизимиға тегишли бўлган муаммоларга тўхталиб ўтди. Бугунги кунда она ва бола саломатлигини асрарда муҳим омил бўлган скрининг марказлари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишини ҳаётниниг ўзи талаб этмоқда. 2018 йилдан 46 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари негизида туманлараро перинатал марказлар ташкил этилди. Улар замонавий ускуналар, юқори малакали кадрлар билан таъминланмоқда. Бу эса халқ саломатлигини тиклашда муҳим омил бўлмоқда.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Қодиров А.Ўзбекистон тиббиёти тарихи. - Т., 2001. -Б.147 (Kadirov A. History of medicine in Uzbekistan. - T., 2001. -P.147)
4. Қодиров А.Ўзбекистон тиббиёти тарихи. - Т., 2001. -Б.147-148 (Kadirov A. History of medicine in Uzbekistan. - T., 2001. -P.147)
5. Электронный учебник общая хирургия.Бабаджанов Б.Д.,Охунов А.О. Развитие хирургии в Республике Узбекистан.Кафедра общей и детской хирургии (The electronic textbook general surgery. Babadjanov B.D., Okhunov A.O. The development of surgery in the Republic of Uzbekistan. Department of General and Pediatric Surgery).
6. Зияева Д.Х. Медицина и здравоохранение в Средней Азии: традиции, модернизация и трансформация (конец 19- начало 20вв.). -Т., -С.5. (Ziyaeva D.Kh. Medicine and healthcare in Central Asia: traditions, modernization and transformation (late 19th - early 20th centuries). -T., -P.5.)
7. Зияева Д.Х Медицина и здравоохранение в Средней Азии: традиции, модернизация и трансформация (конец 19- начало 20вв.). -Т., -С.6. (Ziyaeva D.Kh. Medicine and healthcare in Central Asia: traditions, modernization and transformation (late 19th - early 20th centuries). -T., -P.5.)
8. Қодиров А.Ўзбекистон тиббиёти тарихи. -Т.,2001. -Б.145-146. (Kadirov A. History of medicine in Uzbekistan. - T. 2001. -P.147)
9. Зияева Д.Х. Медицина и здравоохранение в Средней Азии: традиции, модернизация и трансформация (конец 19- начало 20вв.).-Т., -С.7. (Ziyaeva D.Kh. Medicine and healthcare in Central Asia: traditions, modernization and transformation (late 19th - early 20th centuries). -T., -P.5.)
10. "Тошкент" энциклопедияси.2009 й.(Encyclopedia of Tashkent. 2009)
11. 2017 йил - шиддатли ислоҳотлар йили. - Тошкент: Адолат, 2018. -Б.63. (2017 is the year of intense reforms. - Tashkent: Justice, 2018. - P.63.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

Юлдашев Авазбек Арипжонович,
Наманган мұхандислик-технология институти
Кенгаш котиби, bekavaz87@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШ РАҲБАР КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР ХУСУСИДА

For citation: Yuldashev Avazbek. *ABOUT REFORMS IMPLEMENTED IN THE SYSTEM OF RETRAINING OF YOUNG LEADERS IN UZBEKISTAN. Look to the past.* 2020, vol. 3, issue 3, pp. 68-75



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-3-10>

АННОТАЦИЯ

Мақолада иқтидорли ёш кадрларни раҳбар лавозимларга танлаб олиш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари ўрганилган. Унда соҳага жорий этилаётган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари таҳлил қилинган ҳамда таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ёш раҳбарлар, давлат хизматчилари, малака ошириш, қайта тайёрлаш, Давлат бошқарув академияси.

Юлдашев Авазбек,
Секретарь Совета Наманганского
инженерно- технологического института,
bekavaz87@mail.ru

О РЕФОРМАХ СИСТЕМЫ ПОДГОТОВКИ МОЛОДЫХ КАДРОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются процессы подбора, переподготовки и повышения квалификации талантливых молодых специалистов на руководящие должности. Сделан анализ реформ и результатов и выработаны необходимые рекомендации.

Ключевые слова: молодые кадры, государственные служащие, профессиональное развитие, подготовка, переподготовка, Академия государственного управления.

Yuldashev Avazbek,
 Council secretary Namangan institute
 of engineering and technology,
 bekavaz87@mail.ru

ABOUT REFORMS IMPLEMENTED IN THE SYSTEM OF RETRAINING OF YOUNG LEADERS IN UZBEKISTAN

ABSTRACT

The article explores the processes of recruitment, retraining and advanced training of talented young professionals for senior positions.

The analysis of the reforms and the results of implemented reforms in the sector and recommendations have been made.

Index Terms: young leaders, civil servants, retraining, retraining, Academy of Public Administration.

Долзарблиги: Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга ошириб келинаётган янги ислоҳотлар, ёшларга қаратилаётган юксак эътибор юртимиз аҳолисининг яшаш шароитида ўзининг ижобий аксини топмоқда. Ёшларни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва жисмонан соғлом баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва манбаатларини ҳимоя қилиш борасида мақсадли дастурлар амалиётга жорий қилинмоқда.

Хусусан, "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони[7] ни қабул қилиниши чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган ёшларнинг иқтидор ва истеъдодларини рӯёбга чиқаришлари ва тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишлари учун кенг имкониятлар яратиб берди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев "Бизнинг асосий вазифамиз - ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик фояси "вируси" тарқалишининг олдини олишdir. Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манбаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим"[6] дея ёшлар билан оширилиши зарур бўлган жиҳатларни таъкидлаб ўтган.

Методлар:

Мақола ижтимоий-гуманитар фанлар, айниқса тарих фани учун хос, умум қабул қилинган тарихийлик, қиёсий-мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган.

Тадқиқот натижалари:

Бугун дунёда содир бўлаётган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий инқизорзлар, "оммавий маданият" таҳдидлари инсоният келажагига, фаровон ҳаётига раҳна солмоқда. Бундай шароитда замон талабларига жавоб берадиган, юқори малакали ёш кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш устувор масала ҳисобланади. Шу сабабли мамлакатимизда ёш кадрларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтириш, замонавий билимларни эгаллашлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган.

Зеро, ёшлар ва улар орасидан етишиб чиқадиган раҳбар кадрлар жамиятнинг

маънавий-маданий қиёфасини, ижтимоий фаровонлигини белгилайди. Шу сабабли, "Биз фарзандларимизни Ватан равнақи, юрт тинчилиги, халқ фаровонлигига эришишдек олий мақсадларимиз руҳида тарбиялашимиз, уларни анашу мақсадлар сари етаклашимиз керак"[2, Б.189].

Замонавий билимларга эга, ўзининг шахсий фикри, принциплари ва соҳага янгича ёндашуви бўлган ёш кадрларни танлаб олиш ва уларни масъулиятли лавозимларга тайинлаш пухта ўйланган тизимни талаб этади. Чунки, "Янгича ва мустақил фикрлайдиган, масъулиятли, ташаббускор, илфор бошқарув усулларини пухта ўзлаштирган, ватанпарвар, ҳалол кадрларни танлаш ва тайёрлаш бўйича самарали тизим яратилмас экан, давлат бошқарувида сифат ўзгариши юз бермайди"[4, Б.55].

Бу соҳада олиб борилаётган ишларни жадаллаштириш мақсадида сўнгги уч йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ташаббуси ва бевосита раҳбарлигига ёшлар ҳаётига тааллуқли бўлган 40 та Қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 3 та Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та Фармони, 8 та Қарори, 2 та Фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 18 та Қарори ва 4 та Фармойиши имзоланди. Замонавий билимларга эга олий маълумотли ёш кадрларни тайёрлаш борасида бир қатор самарали ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 6 та янги олий таълим муассасаси, 17 та филиал ва 14 та хорижий олий таълим муассасаси филиали ташкил этилиши натижасида республикамиздаги олий таълим муассасалари сони 114 тага етди. 329 та таълим йўналиши ва 582 та магистратура мутахассислиги киритилди. Натижада бакалавриатура талабаларининг сони 410 минг нафарга, магистратура талабаларининг сони 13 минг нафарга етди. Бу 2016 йилга нисбатан 1,7 бараварга кўп. Қабул кўрсаткичлари эса, 2019/2020 ўқув йилида 121 мингтани ташкил этиб, бу ўтган йилга нисбатан 18 фоизга, 2016 йилга нисбатан эса 92 фоизга ошганлигини кўрсатди[10].

Ушбу ислоҳотлар замирада олий маълумот бериш билан бирга, замонавий билимларга эга ёш авлодни кўпроқ тарбиялаш ҳамда муносиб кадрлар эҳтиёжини қондириш мақсад қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2017 йил 30 июнда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV Курултойида ушбу ҳаракат "Ёшлар иттифоқи"га айлантирилди. Ушбу учрашувда Ш.Мирзиёев "Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи давлат ва жамият учун раҳбар кадрларни тайёрлаб берадиган ўзига хос марказ бўлиши, замонавий тилда айтадиган бўлсак, ёшлар учун "социал лифт" вазифасини бажариши керак... Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ташкилотларида ўзини ижобий жиҳатдан кўрсатган ходимлар Давлат бошқаруви академиясида билим ва малакасини ошириб, ҳокимлик ва вазирликлар тизимида раҳбарлик лавозимлари учун асосий номзодлар қилиб тайёрланиши керак"[4, Б.520-521] дея аниқ вазифаларни белгилаб берди.

Ташкилотнинг сиёсий-хукуқий мақоми ҳамда ижтимоий ҳаётдаги нуфузини ошириш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгashi раиси К.Қуронбоев Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати бўйича Давлат маслаҳатчиси[8] ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси[9] этиб тайинланди. Шунингдек, бевосита ёшлар билан ишлаш ҳамда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш барча бўғиндаги давлат органлари раҳбарларининг доимий ишига айланиши белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда раҳбар кадрлар, давлат хизматчилари ҳамда турли соҳа вакилларини қайта тайёрлаш, малакасини ошириш ишлари билан академиялар,

малака ошириш институтлари, институтлар, кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишга ихтисослашган турли хил факультет, марказ ва курслар фаолият юритади. Лекин бу таълим муассасалари мамлакатда мавжуд бўлган эҳтиёж ва талабларни тўлиқ қондириш учун етарли эмас. Қолаверса, уларнинг аксарияти фақат айrim соҳалар учун таълим беришга ихтисослашганлиги ёки малака ошириш бўйича давлат стратегик режалари билан боғлиқ бир неча кунлик ўқишлар ёхуд семинарлар ташкил этишга мўлжалланганлиги билан ажralиб туради. Айни вақтда, раҳбар кадрларни қайтадан тайёрлашга ихтисослашган муассасаларда эса ихтисослик тармоқлари ва йиллик кадрлар тайёрлаш миқдори анча чегараланган. Шунингдек, олий таълимдан кейинги ўқув юртларида кадрлар тайёрлаш учун раҳбарликка номзодлар турли соҳа хизматчилари, турли раҳбарлар ичидан танланиб, улар орасида бир соҳа раҳбари билан ўша соҳа хизматчисини ҳам учратиш мумкин. Бошқача айтганда, турли даражадаги кадрлар бир хил дастурлар асосида ўқитилади[5, Б.213].

Бу борадаги ишларни замон талабида ташкил этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2019 йил 27 декабрь куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида ёшлар билан ўтказилган учрашувда раҳбарлик лавозимларига ҳар томонлама муносиб, ташаббускор, Ватанга таянч ва суюнч бўла оладиган ёшлардан иборат "Ватан ифтихорлари" институти жорий этиш таклифини билдириди. "Бу институтнинг асосий вазифаси ислоҳотларимиз ва катта режаларимизни ватанимиз ёшларига етказиш, жойлардаги муаммоларни олиб чиқиш ва уларни ҳал қилишдан иборат бўлади..... Ёшлар орасида "Мен Сизнинг ёнингизда туриб, камарбаста бўламан!" деб, кўзи ёниб турган, жасоратли, ифтихор қилса арзийдиган йигит-қизлар борлигига ишонаман! Етакчиликнинг, ўз ортидан эргаштиришнинг энг тўғри йўли - бу шахсий ўрнак ва намуна бўлишдир"[14]дейди Ш.Мирзиёев.

Ёшларимиз ҳақли равишда Ватанимизнинг келажаги учун жавобгарликни зиммасига олишга қодир бўлган, бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал этувчи кучига айланиб бораётгани барчамизга гурур ва ифтихор бағишлийди. Албатта бу ёш раҳбарлардан ўз ишига нисбатан янгича ва фидокорона ёндашувни, ўз устида доимо изланишда бўлишни, доимо ташаббускорлик кўрсатган ҳолда билдирилган ишонч ва қўрсатилган эътиборни оқлай олиши керак.

Раҳбар кадрларни олий таълимдан кейинги даврларда тайёрлаш, малакасини ошириш, қайта тайёрлаш тизимининг муҳим аҳамияти шундаки, унда маълум бир кадр ёки раҳбарни уларнинг зиммасига юклатилган функционал вазифаларни бажаришга қай даражада тайёр эканлиги ва унинг ўз мансабига лаёқатли эканлигини аниқлашга, кадрлардаги камчиликларни тўлдиришга қаратилган маҳсус чора-тадбирларни кўришга имкон беради.

Шу боисдан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси фаолиятини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони[11] қабул қилинди. Ҳозирда Академияда ушбу фармон асосида раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимидағи мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда ҳамда соҳага замон талабларига мос бўлган технологиялар жорий этилмоқда. Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш шаклларига бир қатор ўзгартиришлар киритилди.

Шунингдек, Академияда давлат, хўжалик ва жамият бошқарувининг истиқболли йўналишлари бўйича, ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда бир йиллик ва ишлаб чиқаришдан ажralмаган ҳолда икки йиллик магистратура таълим дастурларини

амалийтга жорий қилиш белгиланди. Академия магистратураси ва қайта тайёрлаш курслари тингловчилигига номзодлар учун қўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланадиган бўлди[12].

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат ташкилотлари учун истиқболли кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ташкил этилди[13]. Мазкур институт томонидан ёш истиқболли кадрларни танлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Ўтган давр мобайнида институтининг 4 ойлик қайта тайёрлаш курсларида 162 нафар ёшлар таҳсил олиб, уларнинг 55 нафари вазирлик, идора, ташкилотлар ва маҳаллий ҳокимликларнинг юқори лавозимларига муносиб деб топилди[3,Б.11]. Жамиятни модернизациялаш жараёнида барча соҳаларда раҳбарларга талаб ортиб боради. Соғ ақидага эга, адолатли, меҳнатсевар, иймони мустаҳкам, замонавий илмга эга, кенг маънода соғлом дунёқарашга эга раҳбарни тайёрлаш муҳим масала.

Инсон тафаккури қанчалик соғлом бўлса, унинг руҳияти, жисми шунчалик соғлом эзгуликка йўналган бўлади. Шахснинг фикрлаши қанча соғ эркин бўлса, у шунча заарсиз фикрлайди, шукрли, сабрли ва бегараз бўлади. Бугунги кунда гўзал хулқ, тўғри ақида асосида тарбияланган, эҳиёткор, соғлом фикрлай оладиган шахс ҳаётда ақл-идрок билан иш тута олади. Иймон эътиқодда собит туради, эркин ва мустаҳкам фикрлай олади, мафқуравий хуружларга берилмайди, алдовларга учмайди ҳамда вайронкор ташвиқотларга алданиб қолмайди. Содда қилиб айтганда раҳбарлик вазифасини систеъмол қилмайди.

Тарихга назар соладиган бўлсак, ташкилот раҳбарлари, дунё тан олган давлат раҳбарлари етишиб чиққан, уларни буюк қилган, тарихга номини қолдирган нарса ҳам айнан миллий гуур, миллий ифтихор, миллатпарварлиги, адолатпарварлиги, меҳнатсеварлик каби қарашиб билан яшаганлигидир.

Бошқарувда ҳам муҳим бўлган хусусиятлардан бири, унинг ўзини раҳбар сифатида қабул қилиши билан бирга ўзгаларнинг ҳам унинг фаолиятини раҳбар сифатида қабул қилишидадир. Шу нуқтаи назардан, раҳбарнинг турли ташаббускорлиги, ташкилотчилиги омма томонидан қўллаб-қувватланиши осон кечади. Бозор иқтисодиёти шароитида эса ташаббускорлик ва адолатпарварлик ҳамда хушёrlиги унинг ривожининг бош талабларидан ҳисобланади. Раҳбар на фақат ўзининг, балки бошқаларнинг ҳам фаолиятини ташкил қиласди, мазкур фаолиятни бошқаради, уни режалаштиради, моддий ва маънавий таъминлайди ҳамда мана шу жараёнда ўзгалардан кўра кўпроқ фаоллик ва жонбозлик қўрсатади. Шу нуқтаи назардан, раҳбарда жамоа учун муҳим бўлган ҳаётий вазиятларда тўғри қарорлар қабул қилиш унинг раҳбарлигини синовдан ўтказишга ва омма орасида унинг обрўсининг ошишига хизмат қиласди. Шунинг учун раҳбар жамоада қўл остидаги ходимлар ёки жамоа аъзоларига нисбатан бошқарувчилик, ташкилотчилик, хушёrlиши, жамоа ва ташкилот муаммоларини холис ва ўз вақтида ҳал қила олишлиги, фавқулотда вазиятларда вақтларда масъулиятили қарорлар қабул қилишилик, жамоа аъзоларини жисплаштира олиши, белгиланган мақсад атрофида бирлаштира олишлиги, жамоада соғлом иқлимини яратади олиш хусусиятларига эга бўлиши лозим [1,Б.67].

4.Хулосалар:

Бугунги кунда Ўзбекистондаги турли соҳа ва тармоқларда замонавий талабларга жавоб берадиган салоҳиятли кадрларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Давлат ва маҳаллий органларининг бошқарув кадрларини замонавий технологиялар ва усуллар асосида рақобатбардош кадрлар қилиб тайёрлаш лозим. Уларнинг салоҳияти ва профессионаллик даражасини хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда ошириш зарур.

Бунда кадрлар тайёрлашнинг замонавий ҳамда истиқболли йўналишларини очган ҳолда, дাъвогарларга қўйиладиган меъёрий талабларни камайтириш, қабул квоталарини ошириш лозим. Тинловчилар учун тажрибали давлат органлари раҳбалари, вилоят ҳокимлари иштирокида мастер-класс ва семинар-тренинглар ташкил этиш, уларнинг иш фаолияти билан яқиндан танишишнинг мобил, самарали ва қулай усулларини жорий қилиш, тингловчилар учун амалиёт машгулотларини кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ҳамда муҳандислик йўналишларида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида раҳбарлик ва бошқарувга оид фанлари ўқув режага кўпроқ киритиш лозим. Бу эса, соҳа мутахассисларида бакалавриатурдан бошлаб бошқарув ва раҳбарлик билим ва кўникмаларини шаклланиб боришига хизмат қиласди.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Абдураҳмонова З. Бошқарув психологиясида соглом тафаккурга эга раҳбарлар тайёрлашнинг ижтимоий зарурати // "Ўзбекистонда ёш раҳбар кадрларнинг бошқарув салоҳиятини юксалтириш: муаммо ва истиқболлар" мавзуидаги илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти. 2018 йил 28 ноябрь. (Abdurahmanova Z. Social necessity of training managers with sound thinking in managerial psychology // Materials of the scientific-practical conference "Capacity Building of Young Leaders in Uzbekistan: Challenges and Prospects". Tashkent, Institute for the Study of Youth Problems and Promising Personnel Training at the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan. November 28, 2018)
2. Каримов И. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Тошкент: Ўзбекистон. 2001 йил. (Karimov I. Each of us is responsible for the prosperity of the Motherland. - Tashkent: Uzbekistan. 2001.)
3. Курбанбаев Қ. Ёшларга эътибор далат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида // "Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари" мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти. 2019 йил. (Qurbanbayev Q. Focusing on youth as a key area of state policy // Proceedings of the International scientific-practical conference "Strategy of the state youth policy implementation: current situation and perspectives of development". Tashkent, Institute for the Study of Youth Problems and Promising Personnel Training at the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan. 2019.)
4. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимини қатъият билан давом эттириб, янги босқичга олиб кўтарамиз. Тошкент: Ўзбекистон НМИУ. 2017 йил. (Mirziyoev

Sh. We will continue with the path of national development to a new level. Tashkent: NMU of Uzbekistan. 2017.)

5. Равшанов Ф. Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрлар танлаш асослари. Сиёф.д.....дис. -Т., 2009. (Ravshanov F. Bases of the selection of the leading personnel in the Republic of Uzbekistan. Diss.candidate of political sciences. -T., 2009)

6. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблейсининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017> (Speech by President of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev at the 72nd session of the UN General Assembly. <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>)

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-куватлаш тўғрисида" 2017 йил 5 июлдаги 5106-сонли Фармони. "Халқ сўзи". № 132 (6826) 06/07/2017. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On Enhancement of the Effectiveness of the State Youth Policy and Support of the Youth Union of Uzbekistan" of July 5, 2017. "Xalq so'zi". № 132 (6826) 06/07/2017.)

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қ.Қ.Куранбоевни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимига тайинлаш тўғрисида" 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5107-сонли Фармони. https://nrm.uz/contentf?doc=485152_2017_yil (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated July 5, 2017 N UP-5107. https://nrm.uz/contentf?doc=485152_2017_yil)

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қ.Қ.Куранбоевни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси этиб тайинлаш тўғрисида" 2017 йил 5 июлдаги ПФ-5108-сонли Фармони. https://nrm.uz/contentf?doc=485152_2017_yil (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated July 5, 2017 N UP-5108. https://nrm.uz/contentf?doc=485152_2017_yil)

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида" 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони. Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.10.2019 й., 06/19/5847/3887-сон. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On approval of the Concept of development of higher education of the Republic of Uzbekistan till 2030". No. UP-5847 dated October 8, 2019.National database of legislation, October 9, 2019. Issue 06/19/5847/3887-сон.)

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқарув академиясида бошқарув кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 8 августдаги ПФ-5139-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/3300782> (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures for further development of the system of training, retraining and advanced training of management personnel at the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan" dated August 8, 2017. No. UP-5139. <https://lex.uz/docs/3300782>)

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 27 июндаги ПҚ-4365-сонли

қарори. Конун хужжатлари мълумотлари миллий базаси, 27.06.2019 й., 07/19/4365/3341-сон (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On Additional Measures to Improve the System of Training, Retraining and Advanced Training of Management Staff at the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan" dated June 27, 2019. No. PD-4365.National database of legislation, June 27, 2019.Issue 07/19/4365/3341)

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви Академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболи кадрларни тайёрлаш институти фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 14 августдаги ПҚ-3206-сон қарори (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures for the organization of activities of the Institute for the Study of Youth Problems and Promising Personnel Training under the Academy of Public Administration under the President of the Republic of Uzbekistan" dated August 14, 2017.No.PD-3206)

14. ЎзА. Ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш даври бошланмоқда. Халқ сўзи, № 270 (7500) 28/12/2019. (UzA. It is a turning point in the state youth policy. Xalq so'zi, № 270 (7500) 28/12/2019).

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

Қозоқов Тоҳиржон,
Наманган давлат университети
“Миллий гоя, маънавият асослари ва
хуқуқ таълими” кафедраси доценти,
тарих фанлари номзоди
qozoqov69@mail.ru

ХОНЗОДАБЕГИМ

For citation: Kozokov Tohirjon. KHANZODABEGIM. Look to the past. 2020, vol. 3, issue 3, pp. 76-80



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-3-11>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада темурийлар салтанатидаги машхур аёллардан бири, давлат ва жамоат арбоби Бобурнинг опаси Хонзодабегимнинг ҳаёт йўли ёритилган. Хонзодабегимнинг маънавий дунёси, давлат бошқарувидаги иштироки, бобурийлар давлатининг ташкил топишидаги ўрни ва бошқа жиҳатларига эътибор қаратилган.

Таянч сўзлар: Бобур, Хонзодабегим, Шайбонийхон, Ҳумоюн, Кобул, Ҳиндистон, Самарқанд, Шоҳ Исмоил, қамал, очлик, Қандаҳор, сулҳ, никоҳ, Бенгалия, Бихар, Шершоҳ Сурий, шаҳзода.

Қозоков Тоҳиржон,
кандидат исторических наук, доцент кафедры
Национальной идеи, основы духовно-правового воспитания
Наманганского государственного университета
qozoqov69@mail.ru

ХАНЗОДАБЕГИМ

АННОТАЦИЯ

В статье рассказывается о жизни одной из самых известных женщин тимурийского государства, сестры государственного деятеля Бобура Хонзодабегима. Её духовный облик, роль в управлении и формировании государства Бабуридов

и многом другом.

Ключевые слова: Бабур, Хонзодабегим, Шейбани Хан, Хумоюн, Кабул, Индия, Самарканд, Шах Исмаил, Осада, Голод, Кандагар, Мир, Брак, Бенгальский, Бихар, Шери Шах, Принц.

Kozokov Tohirjon,
associate professor of the department of
National ideology, Spiritual basis and
Law education, candidate of historical sciences
Namangan State University
qozoqov69@mail.ru

KHANZODABEGIM

ANNOTATION

The article tells about the life of one of the most famous women of the Timurid state, the sister of statesman Bobur Hanzodabegim. Her spiritual appearance, role in the management and formation of the state of the Baburids and much more.

Key words: Babur, Khanzodabegim, Sheibani Khan, Humoyun, Kabul, India, Samarkand, Shah Ismail, Siege, Hunger, Kandahar, Peace, Marriage, Bengali, Bihar, Sheri Shah, Prince.

Долзарблиги: Амир Темур ва темурийлар даври тарихи баён этилган кўплаб мақола ва асарларда темурий мирзолар ва уларнинг фаолияти кенг ёритиб ўтилган. Мазкур даврда юрт тинчлигини таъминлаш, урушларнинг олдини олиш, мамлакат ободончилиги, илм-фаннынг гуллаб-яшнашида темурий маликаларнинг ҳам ўз ўринлари бор.

Темурий шаҳзода Умаршайх мирзонинг тўнгич қизи Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг туғишган опаси Хонзодабегим ана шундай аёллардан бири эди. Хонзодабегим ҳижрий 882 (милодий 1478) йилда дунёга келган [5.35 б]. Онаси Кутлуғ Нигорхоним Юнусхоннинг иккинчи қизи эди. Кутлуғ Нигорхонимнинг онаси Эсан Давлатбеким эди.

Кутлуғ Нигорхоним Умаршайх мирзодан икки фарзанд кўради. Бири, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, иккинчиси эса Хонзодабегим эди [3.221 б].

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг кейинги ҳаёти, сулола тақдира, қолаверса, машҳур бобурийлар сулоласига асос солиниши ва улкан империянинг ташкил топишини бу аёлсиз тасаввур этиб бўлмайди. "Бобурнома" асарида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз опаси ҳақида қисқача маълумотларни ёзib қолдирган. Яъни, Хонзодабегим Умаршайх Мирзонинг катта қизи эканлигини, Самарқанд қамали пайтида қўлга тушиб асир бўлганлигини, Муҳаммад Шайбонийхон унга уйланиб, бир ўғил кўрганлигини ёзади. Шунингдек, Шоҳ Исмоил Шайбонийхонни Марвда енгач, Хонзодабегимни укаси Бобур саройига ҳурмат билан юборганлигини баён қилган [2.11 б].

Методлар:

Бобурнинг ўша давр воқеалари ҳақидаги эсдаликларини ўқир эканмиз, у ўз опаси олдида бир умр қарздор эканлигини изҳор этмоқчи бўлганлигини англаш қийин эмас. "Бобурнома"нинг кейинги саҳифаларида муаллиф батзи ўринларда

Шайбонийхондан енгилишининг сабабларини изоҳлашга ҳаракат қилган. Бу ҳолатни ҳам айни пайтда укасининг келажаги ва қолаверса бутун сулоланинг тақдири учун ўз умрини баҳшида этган аёлга бўлган ҳурмат сифатида қабул қилиш мумкин.

Бобур Самарқанд қамали узоққа чўзилганлигини, ҳеч тарафдан захира ва кўмак келмаганлигини, ҳатто Шайбонийхоннинг феъл-у-атворини яхши биладиган Султон Ҳусайн мирзодек соҳиб тажрибалик подшоҳ ҳам, Бадиуззамон мирзо ҳам, Қундуз ҳукмдори Ҳисравшоҳ ҳам на моддий, на ҳарбий ёрдам бермаганликларини афсус билан хотирлайди. Натижада, қамалда қолган Бобур Шайбонийхон шартларига рози бўлиб, у билан сулҳ тузишга рози бўлади[2.85,89 б]. Бобур Самарқандни тарк этганда опаси қўлга тушганлигини ёзади. Бироқ, воқеа асли бошқача бўлган эди.

Бобур мирзо бу ўринда тарихий воқеаларни ҳаққоний ифодалайди, лекин, у ўз асарида айта олмаган ёки айтишга ботинмаган жараёнларни унинг қизи Гулбаданбегим ўзининг "Хумоюннома" асарида атрофлича баён этади. Яъни, шу пайтда Шайбонийхон сулҳ шарти сифатида унинг опаси Хонзодабегимни хотинликка сўраганлиги, шундагина сулҳ тузилишини билдирган эди: "...Ана шундай вақтда Шоҳбекхон "агар ўз синглингиз Хонзодабегимни менга берсангиз, орамизда сулҳ тузилади ва иттифоқчилик алоқалари ўрнатилади", дейди. Натижада, Хонзодабегимни хонга турмушга бериб, ўзларининг қайтишлари зарур бўлди" , деб ёзилади.[6.29 б].

Мазкур вазиятда Бобурнинг ҳам Хонзодабегимнинг бу шартга рози бўлмасликдан бошқа чоралари йўқ эди. Темурийлар давлатини муқаррар инқироздан қутқариб қолиши мумкин бўлган, шундай истеъдод ва қобилиятга эга бўлган ягона шахс унинг укаси эканлигини фикримизча, Хонзодабегим ҳам, Бобур ҳам бирдек тўғри тушунишган. Шу боис, гарчи оғир бўлса-да, бу шартга кўнишган.

Ўз укасининг ашаддий ганимига турмушга чиқиш ва у билан бирга яшашга майл билдириш ҳамма даврда ҳам ҳар қандай аёлнинг ҳам қўлидан келаверган эмас.

Очарчилик туфайли қамалдагилар ит ва эшак гўштини ея бошлаган эди. Ҳатто отларга егулик ем-ҳашак ҳам қолмаган эди. Айни пайтда кишилар ҳаётини сақлаб қолишнинг ягона йўли - бу сулҳга келишиш эди.

Муҳаммад Солиҳнинг "Шайбонийнома" асарида мазкур воқеалар баёнига кенроқ ўрин бериб ўтилган. Яъни, шаҳар аҳлининг ночор аҳволда қолганлигини билиб, Шайбонийхон орага сулҳ сўзини солади. Шартга кўра, Хонзодабегим Шайбонийхоннинг никоҳига кириши лозим эди [4.110 б].

Бобурмирзо қамалдан чиқиб Қанбар Али ва Қосимбек каби сафдошлари билан Дизак (Жиззах)га келади. Қалъа ҳокими уларнинг ҳурматларини жойига қўйган ҳолда кутиб олади [2.86 б].

Тадқиқот натижалари:

Самарқандда Шайбонийхон ҳарамида қолган маликанинг кейинги тақдири қандай бўлганлиги тўғрисидаги айрим маълумотлар Ҳофиз Таниш Бухорийнинг "Абдулланома", Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг "Тарихи Рашидий" асарларида келтирилган. "Абдулланома" асарида Хонзодабегимни Шайбонийхонни талоқ қилиб, Сайид Отанинг сайидларидан бирига (хотинликка) берганлиги ёзилган эди [1.59 б]. "Тарихи Рашидий" асарида эса Хонзодабегимнинг кейинги эри Марвда Шоҳ Исмоил билан бўлган жангда ўлганлигини, Бобур мирзо синглиси эканлигини билган Шоҳ уни акаси ҳузурига Кобулга юборганлигини ёзади [3.331 б].

Мирзо Муҳаммад Ҳайдарнинг ёзишича, Шайбонийхон Хонзодабегимни Бобур мирзо учун ўч олишидан хавфсираганлиги учун ҳам талоқ қилган эди. Хонзодабегим укаси Бобур мирзо саройига келгач, умрини салтанат ривожи, шаҳзодалар камоли учун бахшида этди. Бобур ҳазратлари Раъно Сангони енгганидан кейин 1528 йилнинг ёз ойларида Хонзодабегим ҳам Ҳиндистонга таклиф этилади. Ва уни кутиб олиш учун подшоҳнинг ўзи ва барча маликалар Навгиронгача келишади.

Бобур мирзо вафотидан кейин сарой аҳли сулолавий ички масала ва муаммолар юзасидан бевосита унга юзланишади. У шаҳзодалар ўртасидаги келишмовчиликларни олдини олиб, уларни келиштиришга интилган. Базмларда Ҳумоюн подшоҳ ва Хонзодабегим бир кўрпачага ўтқазилган. Унинг ўнг томонидан эса, бошқа нуфузли маликалар жой олишган [6.536].

Шаҳзодаларнинг тўйларини ўтказишда ҳам Хонзодабегим бевосита бош-қош бўлган. Хонзодабегим ўзининг қатъиятлилиги, давлат сиёсатига оид масалаларни ҳам тўғри ҳал қила олиш қобилияти ва илмига эга эканлиги билан кўзга ташланиб турган.

Ҳумоюн подшоҳнинг ўғли Жалолиддин Муҳаммад Акбарни Хонзодабегим тарбиясига топширганлар. Гулбаданбегим жумладан: "...Жалолиддин Муҳаммад Акбар подшоҳ икки ярим ёшда эдилар. аммам олиб тарбияладилар. Уни жуда яхши кўриб, оёқ-қўлларини ўпиб, худди менинг укам - Бобур подшоҳнинг қўл-оёқларига ўхшайди, (ўзи) эса бутунлай ўхшайди", деганлигини ёзib қолдирган эди [6.846].

Ҳумоюн подшоҳ куч тўплаб 1544 йил Хурсондан Қандаҳорга келаётганини эшитган Комрон Мирзо ака-укаларни келиштириб қўйиш ва яраштириш учун Хонзодабегимни олдига воситачи қилиб юборади. Шаҳзодалар ички сиёсий низоларни ҳал этиш учун яна Хонзодабегимга мурожаат қилишади.

Демак, Хонзодабегим умрининг сўнгги даврлари ҳам валиаҳд шаҳзодалар тарбияси-ю, сулолавий-сиёсий масалалар билан боғлиқ ҳолда кечган. Шундай бир шароитда Хонзодабегим Қандаҳорга келади. Ҳумоюн Мирзо Қандаҳорни қирқ кун қамал қилгач, Комрон Мирзо Кобулга қараб чекинади. Шунда Ҳумоюн уни таъқиб этиб, йўлга тушади. Хонзодабегим ҳам унга ҳамроҳ бўлади. Аммо, Кобулҳақ деган жойга етганда, иситма туфайли уч кун ётиб қолади. Табибларнинг барча қилган муолажалари наф бермайди. Ва у, ҳижрий 951 йилнинг тўртинчи куни (1544 йил 4 апрел) 66 ёшида оламдан ўтади. Уни ўша жойнинг ўзига дафн этдилар. Гулбаданбегимнинг шоҳидлик беришича, орадан уч ой ўтгач, унинг ҳокини Бобур ҳазратларининг мақбарасига олиб бориб қайтадан дафн этадилар.

Хуносалар:

Хонзодабегим номи тарих саҳифаларида ибратли, мاشаққатли, изтиробли ҳаёт йўлига эга бўлган аёл сифатида муҳрланди. У укаси Бобур Мирзо билан таҳликали, суронли йиллар мешаққатини, қийинчиликларини, бирдек туриб бошидан ўтказди. Жондан азиз инисининг ҳаёти, сулоласи тақдири учун ҳар қандай хўрланишларга ҳам рози бўлди.

Иқтибослар/Сноски/References

- [1] Абдулланома. -Тошкент: Шарқ, 1999. (Abdullanoma (1999). -Tashkent: East)
- [2] Бобурнома. -Тошкент: Юлдузча, 1989. (Boburnoma (1989) -Tashkent: Star)
- [3] Мирзо Муҳаммад Ҳайдар. Тарихи Рашидий. -Тошкент: Ўзбекистон, 2011.

(Mirzo Muhammad Haydar. History Rashidiy (2011). -Tashkent: Uzbekistan

[4]Мұхаммад Солиҳ. Шайбонийнома.-Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. (Muhammad Salih. Shayboniynoma (1989 . -Tashkent: Publishing House of Literature and Art)

[5] Файзиев Т. Темурий маликалар. -Тошкент: Ўзбекистон, 2013. (Fayziev T Princesses of Temuriy (2013). -Tashkent: Uzbekistan)

[6] Ҳумоюннома.-Тошкент: Маънавият, 1998. (Humoyunnomma (1998) Tashkent: Spirituality 1998.)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

Рискулов Шахжакон,

Тошкент давлат шарқшунослик институти
таянч докторанти

Д.Н.ЛОГОФЕТ ТАДҚИҚОТЛАРИДА РОССИЯ-АФГОНИСТОН МУНОСАБАТЛАРИ

For citation: Riskulov Shakhjahan. RUSSIAN-AFGHAN RELATIONS IN D.N.LOGOFET'S RESEARCHES. Look to the past. 2020, vol. 3, issue 3, pp. 81-88



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-3-12>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола XIX аср охири - XX аср бошларида Бухаро-Афғонистон чегараларида хизмат сафарини ўтаган рус генерал-майори, ҳарбий публицист, шарқшунос Д.Н.Логофетнинг ҳарбий соҳадаги фаолияти, унинг асарларида Афғонистон давлати, Россия-Афғонистон ўртасидаги сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатлар билан бοғлиқ масалаларни ёритишга бағищланган.

Калит сўзлар: Д.Н.Логофет, Марказий Осиё, Бухоро, Шарқий Бухоро, Афғонистон, экспедициялар, Я.В.Виткович, А.Бернс, Столетов, Шералихон, Абдураҳмонхон, рус божхонаси.

Рискулов Шахжакон,

докторант Ташкентского государственного
института востоковедения

РУССКО-АФГАНСКИЕ ОТНОШЕНИЯ В ИССЛЕДОВАНИЯХ Д.Н.ЛОГОФЕТА

АННОТАЦИЯ

Настоящая статья посвящена исследованию служащего военной деятельности в Русско-Афганских границах русского генерала-майора, военного публициста, востоковеда Д.Н.Логофета и освещению историю Афганистана, Русско-Афганских политических и торгово-экономических отношений конца XIX - начала XX в. в.

Ключевые слова: Д.Н.Логофет, Центральная Азия, Бухара, Восточная Бухара, Афганистан, экспедиции, Я.В.Виткович, А.Бернс, Столетов, Шералихон, Абдурахманхан, русская таможня.

Riskulov Shakhjahan Narmaxamatovich,
explorer of Tashkent State Institute of Oriental Studies

RUSSIAN-AFGHAN RELATIONS IN D.N.LOGOFET'S RESEARCHES

ANNOTATION

This article is devoted to the military activities of Russian major general serving in the Russian-Afghan borders, military publicist, orientalist D.N.Logofet, and the coverage in his works of the history of Afghanistan, Russian-Afghan political, trade and economic relations of the late XIXth and early XXth centuries.

Key words: D.N.Logofet, Central Asia, Bukhara, Eastern Bukhara, Afghanistan, expedition, Ya.V.Vitkevich, A.Burns, Stoletov, Sheralkhan, Abdurakhmankhan, Russian custom-house.

Долзарбилиги: Мазкур мақола Елецк уездидагы түгилгандын ва XIX аср охири - XX аср бошларидагы Бухоро-Афғонистон чегараларидагы хизмат сафарини ўтаган Д.Н.Логофеттинг ҳарбий соҳадаги фаолиятини ёритишга бағишиланган. Ўрта Осиёning Россия томонидан босиб олинган ҳудудларидагы 1867 йилда маркази Тошкент бўлган Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинган эди. Ўрта Осиёning жанубий ҳудудлари Бухоро амирлиги таркибига кирган ва рус адабиётларидаги Шарқий Бухоро деб аталган бўлиб, бу ерлар Россия вассаллигига киритилган эди. Бухоро амирлигига қарашли бу ҳудудларни ва унга қўшни Афғонистонни тадқиқ қилиш мақсадида Россия ҳукумати бир қатор экспедициялар ташкил қилган. Бу каби экспедициялар Россия билан Англия ўртасидаги сиёсий манбаатлар тўқнаш келган нуқтани назоратдан қочирмаслик ниятида ташкил қилинган эди. Бухоронинг Афғонистон билан чегарасида чегара заставалари яъни чегарада соқчилик вазифасини ўтовчи аскарий бўлинмалар жойлаштирилган.

Рус ҳукумати томонидан Бухоро-Афғонистон чегараларини, қолаверса, Афғонистонни ўрганиш мақсадида ташкил қилинган экспедициялар иштирокчилари томонидан муҳим материаллар базаси йифилган. Шулардан бири рус офицери Д.Н.Логофет чегара бўйлаб ўтказган тадқиқотларидаги Бухоро-Афғонистон муносабатлари, хусусан Афғонистон тарихига доир жуда қимматли материалларни кўлга киритган. Д.Н.Логофет илмли рус офицерларидан бўлиб, ўзининг хизмат вазифалари доирасида бўлган ҳудудларни тўлиқ ўрганишга ҳаракат қилган ва кўплаб маълумотларни тўплаган-ки, улар бугунги тадқиқотларимиз учун ҳам қимматлидир.

Методлар:

Мақола тарих ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанларда қабул қилинган қиёсий таҳлил, объективлик, тарихий кетма-кетлик, изчиллик, қиёсий таққослаштамойиллари асосида ёритилди.

Афғонистон давлатининг маъмурий-сиёсий тузуми, иқтисодий ҳаёти, қўшни мамлакатлар, шу билан бирга Россия билан Афғонистон муносабатлари масалаласи XIX асрнинг сўнгги йиллари ва XX аср бошларидаги А.Галкин, А.Губаревич-Радобылский, Л.Ф.Костенко, В.В.Крестовский, Д.Н.Логофет, А.П.Хорошхин ва бошқа тадқиқотчиларнинг асарларидаги ёритилган. [2, 3, 4, 6, 7, 8-15, 20].

Тадқиқот натижалари:

Россия давлати ўзининг мустамлака сиёсати манфаатларига мос келадиган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида Афғонистоннинг маъмурий-сиёсий тузими, ижтимоий-иктисодий аҳволи ва маданий ҳаётини ҳар томонлама ўргана бошлаган. Россия шарқшуносларининг ўзига хос хусусияти, уларнинг фаолияти мамлакатнинг ташқи сиёсати вазифалари билан чамбарчас боғлиқлигига эди. Шунинг учун бу ҳолат барча рус тадқиқотчиларининг асарларида ўзининг аксини топган. Тадқиқотчиларнинг аксарияти амалдорлар, ҳарбийлардан иборат бўлиб, улар хизмат вазифалари доирасида Россиянинг Афғонистонга муносабати масаласи билан боғлиқ маълумотларни ҳам тўплаган ва келажакда бу давлат билан алоқаларни ташкил қилиш механизмлари, иктисодий жиҳатдан Афғонистондан фойдаланиш каби масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини ҳам билдиришган. Россия тадқиқотчилари Афғонистоннинг бошқарув тизими билан боғлиқ масалалар, статистик маълумотларга ҳам эътибор қаратишган, аҳолининг этник таркиби, қишлоқ хўжалиги аҳволи, агар масалалар, саноат ишлаб чиқариши, савдо-сотиқ муносабатлари, савдо йўллари, унинг Ҳиндистон, Эрон, Бухоро амирилиги билан савдо алоқаларига ҳам катта аҳамият берганлар.

Россия империяси билан Афғонистон ўртасидаги сиёсий ва иктисодий алоқаларни ўрнатишида анчагина муҳим роль ўйнаган рус офицери, узоқ вақт мобайнида Ўрта Осиёда хизмат қилган, кейинчалик публицистика билан шуғулланган Д.Н.Логофет 1865 йил 12 марта Орлов губерниясининг Елецк уезди Гурьев қишлоғида дворян оиласида туғилган. Унга бағишлиланган нашрларда Д.Н.Логофет Гурьевдан саккиз километр узоқликдаги Полский селосида туғилганлиги айтилган. [17, С.603-604]. У рус армияси генерал-майори, биринчи жаҳон уруши иштирокчиси, ижтимоий-сиёсий мавзуларда асарлар яритувчи адаб ва шарқшунос олим бўлган. Унинг наисил нараби дворянлардан бўлиб, отаси Орлов губерниясининг йирик заминдори бўлган.[18, С.14]. Энциклопедик луғатларда логофет оиласи Византиядаги константинопол черкови масъул лавозимларида фаолият юритиб, унга муҳрни сақлаш, канцелярия ва архив бошлиғи, ҳатто ҳисботларни тузиш вазифалари юклатилганлиги эътироф қилинган. [16, С.1533-1534].

Д.Н.Логофетнинг бутун ҳаёти ҳарбий хизматда ўтган. У дастлаб Орловдаги кадетлар ҳарбий мактабини, сўнг Киев пиёдалар ҳарбий билим юртини тамомлади. Шундан сўнг Москва университети ҳуқуқшунослик факультетида икки йил мобайнида таҳсил олади. Сўнгра, Санкт-Петербургдаги археология институтидаги шарқ тиллари курсини тамомлаб фаолиятини Марказий Осиёда давом эттиради. Унинг Марказий Осиёдаги фаолияти анчагина самарали бўлиб, бунга унинг шарқ тилларини билганлиги ва маҳаллий аҳоли билан таржимонларсиз мулоқот қилганлиги эди. У хизматини 1882 йилда бухоро-афғон чегарасида Амударё бригадаси қисмида командир лавозимидан бошлайди. 1902 йилдан чегара қўшинлари штаби офицери, 1904 йилдан Чегара қўриқчилар корпуси Амударё бригадаси командири, 1911-1914 йилларда Литва билан Шарқий Пруссия чегара бригадаси бошлиғи лавозимларида фаолият юритган.

Биринчи жаҳон уруши йилларида у жанубий-гарбий фронтда Пинск эвакуация комиссияси раҳбари, 1915 йилда мамлакат чегараларини қўриқлаш хизмати чегара полки командири вазифаларини бажарган. 1917 йилда унинг соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли ҳарбий хизматдан озод этилади. 1918 йил Д.Н.Логофетнинг ҳарбий хизматдаги тажрибаси туфайли, уни яна чегара қўриқлаш хизмати бош бошқармаси ёрдамчиси ва катта инспектори сифатида армияга жалб

қилади. Шунигдек, у 1919-1922 йилларда Москва кавалерия мактаби раҳбари ҳамда йилқиличик бош бошқармаси жамияти аъзоси ҳам эди. Д.Н.Логофет 1922 йилда тепкили терлама касаллиги туфайли Москва шаҳрида вафот этди.

Д.Н.Логофет поручик (1891 й.), штабс-ротмистр (1909 й.), ротмистр (1899 й.), подполковник (1903), генерал-майор (1916) унвонлари соҳиби бўлиб, бир-қанча орденлар билан тақдирланади. Шарқий Бухоро тарихи ва этнографисини ўрганишдаги хизматлари учун Д.Н.Логофет 1915 йилда бутун Россия империяси ва Туркистон ўлкаси жуғрофия жамияти аъзолигига сайланади. [18, С.74].

ХХ аср бошларида Д.Н.Логофетнинг Афғонистон тарихи, Россия-Афғонистон ва Бухоро-Афғонистон муносабатларига оид бир нечта асарлари нашр қилинган. [8-15].

Д.Н.Логофет уч жилдан иборат "Ўрта Осиё чегараларида" деб номланган асарининг биринчи китобида Ўрта Осиёning Эрон билан чегарадош ҳудудлари, иккинчи китобида Россия-Афғонистон чегаралари ва Каспий денгизи қирғоқлари, Афғонистон билан Россия савдо алоқаларида Бухоронинг роли, Россия билан Афғонистон ўртасидаги чегара масалалари, Россия ҳукмрон доираларининг Бухоро чегараларини қўриқлаш масалалари, Амударё флотилияси ва унда қатнов масалалари тўғрисида маълумот берилади.[9,10,11]. Асарда Ўрта Осиё билан Афғонистон чегараларидаги ҳолатни батағсил ёритишга ҳаракат қилган, чегаралар орқали рус-афғон савдо алоқаларига ва чегара ҳудудларида жойлашган ҳар бир шаҳарларнинг таърифида алоҳида урғу бериб ўтган. [10, С.1-107]. Д.Н.Логофет ушбу асарнинг иккинчи китобида ўрта асрлардан бошлаб то ўзи хизмат қилган йилларгача бўлган даврда Афғонистон билан муносабатлар тарихига оид маълумотларга эътибор қаратган.[9, С.1-208]. Шунингдек, асарнинг учинчи китобида XIX асрнинг 30-йилларидан эътиборан Россиядан Афғонистонга, хусусан Кобулга маҳсус ҳарбий ва лингвистик тайёргарликка эга бўлган ҳарбий мутахассисларнинг сафарга юборилганлиги ва уларнинг фаолиятлари тўғрисидаги маълумотларни ёритишга эътибор қилган. Бу ўз навбатида Россиянинг Афғонистонга нисбатан тутган сиёсати қандай эди деган саволга ойдинлик киритишга ёрдам беради.

Асарда Россиянинг Осиёга кириб боришини тезлаштирган жараёнларга алоҳида урғу берилган. Ҳатто, 1835 йилда Россия ўзининг маҳсус вакили сифатида Я.В.Виткевични Кобулга масъул лавозимга тайинланишига аҳамият бериб, унинг маҳаллий тилларни яхши билиши, аҳоли билан бемалол мулоқот қила олганлиги туфайли Афғонистон ҳукмрон доиралари уни ёқтириб қолганлигини таъкидлайди. Муаллиф асарда поручик Я.В.Виткевичнинг Россия билан Афғонистон ўртасидаги муносабатларини ривожлантиришга қўшган хизматларига диққатни қаратади. [10, С.15-16; 19, С.236-255]. Келиб чиқиши полякларга мансуб бўлган Виткевич, полякларнинг 1830 йилдаги қўзғолонида қатнашганлиги ҳамда унинг жуда ўқимишли бўлганлигига алоҳида ўрин берган. Оренбург чегарасидаги заҳматли хизматлари ва оғир шароит Я.В.Виткевичдаги қобилиятни тоблайди. Ўта билимдонлиги сабабли Оренбург генерал-губернатори граф Перовский тавсияси билан Виткевич офицер мансабида, кейинчалик эса ўлка бошлиғи канцеляриясида хизмат қилган. [10, С.15-16]. Шу кезларда Афғонистонга маҳаллий тилларни биладиган мутахассисни жўнатиш зарурати пайдо бўлгандা, бу масъулиятли вазифа Я.В.Виткевич зиммасига юклатилган.

Я.В.Виткевич қисқа иккى йил ичидаги Россия-Афғонистон муносабатларини мустаҳкамлашга эришади. Шу вақтларда Англия шимолий-шарқий Ҳиндистондан

Афғонистон йўналишида ҳарбий ҳаракатга келиши рус-афғон муносабатлариға соя ташлайди. Айнан шу даврдаги Россия-Афғонистон муносабатлари тарихи унинг даврига қадар номаълумлигича қолаётганлигини ёзган эди. [10, С.18].

Ваҳоланки, Афғонистон масаласи нафақат Россияни, балки инглиз разведкачиларини ҳам дикқатини жалб қилган, бу минтақа манфаатлар тўқнаш келган нуқтага айланиб қолган эди. Маълумки, XIX асрнинг 30-йилларида Британия хукуматининг маҳсус топшириғи билан Афғонистон ва Ўрта Осиёга жўнатилган А.Бернс Бухорода афғонларнинг савдо-сотиқ билан шуғулланишига эътибор қаратиб, уларнинг баъзилари Бухоро орқали Россия билан ҳам савдо қилган, деб ёзди. Бу маълумот эса ўз навбатида Афғонистон савдогарларининг Россия билан иқтисодий муносабатларга киришганлигига ишорадир. Масалан, Бернс билан бирга Кобулдан Дулат деган афғон савдогари савдо қилиш учун Бухорога келганлиги, у ердан Россияга бормоқчи бўлганлиги ҳақида ёзиб қолдирганлигини эслатиш кифоя.[1, С.246].

Хиндистон, Кобул ва Бухоро ўртасидаги савдо ишларини Фазна туманида яшовчи афғон қабилалари - лоҳанийлар олиб борган. Лоҳанийлар ҳақидаги маълумот ўша даврда Бухорода бўлган Демезон томонидан ҳам эслатиб ўтилган.[5, С.77-78]. Бухорода 1835-1836 йилларда бўлган унинг зомондоши рус офицери, шарқшунос, сайёҳ-тадқиқотчи, Россиянинг Афғонистонга жўнатилган элчиси, дипломат, рус разведкачиси Я.В.Виткевич ҳам тасдиқлайди. [5, С.77-78].

Фикрини давом эттириб Д.Н.Логофет, XIX асрнинг 60-70 йилларида Россиянинг Ўрта Осиё ҳудудида олиб борган ҳарбий ҳаракатлари оқибатида Хива, Бухоро хонликлари ва Закаспий вилоятининг аста-секин босиб олиниши ва бу худудларнинг Россия давлати таркибиға қўшиб олиниши Россияни Афғонистонга яқинлаштирганлиги, у билан яхши қўшничилик муносабатларига қулай шароит яратганлигини эътироф қилган. Афғонистон таҳтига келган Шералихон даврида Афғонистон бозорларида савдо қилаётган рус савдогарларига жуда яхши имкониятлар очилганлиги қайд этилган. Бу даврда Россия давлати Кобулга генерал Столетов бошчилигига маҳсус элчилик жўнатганлигини эътироф қилган. Элчилик Афғонистонда бир неча ой бўлган.

Амир Абдураҳмонхоннинг таҳтига келиши ва унинг Англиядан катта миқдордаги ёрдам олиши оқибатида Россия Афғонистон муносабатлари оғирлашган ва бу жараён узоқроқ давом этган. Оқибатда Афғонистон бозорларига рус товарлари киритилмай қўйган, бу товарларга нисбатан талаб ошиб борганлиги Афғонистон хукмрон доираларини Россияга нисбатан сиёсатини ўзгартиришга мажбур қилди-ки, рус савдогарлари яна Афғонистонга қатнай бошлидилар. Айниқса, 1889 ва 1890 йиллардаги савдогар Засипкиннинг сафарлари қизиқарли бўлиб, у шимолий Афғонистоннинг асосий шаҳарларини кезиб чиқкан. Асарда Россиянинг Афғонистон билан яқинлашишида Закаспий вилоятининг собиқ бошлифи А.В.Комаровнинг катта хизматлари борлиги алоҳида таъкидлаган. Пенда нозири подполковник Тарахановга бутун чегара чизиги генерали Наиб-Салор билан музокора ўтказиб, Афғон амиридан рус савдогарларининг Афғонистонга кириб келишига рухсат олиб беришни сўраш буюрилган эди, чунки Абдураҳмонхон рус савдогарларининг Афғонистонда савдо қилишини таъқиқлаб қўйган эди. [10, С.17-18].

Афғонистон амири рус савдогарларининг мамлакатда савдо ишларини олиб боришларига рухсат беради, натижада икки давлат ўртасидаги муносабатлар йўлга қўйилган ва мустаҳкамланган. Аммо кейин бирдан, подполковник Тарновский

Афғон чегарасидан ўтиб ҳеч қандай рухсатсиз Афғонистон қалъасининг кичик қисмини эгаллаган, аҳолини эса рус вассаллигини тан олишга мажбур қилган. Бу воқеа полковник Ионов отрядларининг Помирни эгаллаши билан бир даврга тўғри келган. Инглизлар бу воқеадан фойдаланиб қолишади, Россия билан ҳар қанақа муносабатлар тўхтатилади. 1895 йилда Россия билан Афғонистон ўртасидаги Сарикўл дарёсидаги (Герируд) Вахандарё қишлоғидан Тажан дарёси бўйидаги Кала-Панж қишлоғигача бўлган оралиқдаги чегара чизиги аниқлаб олинади. Шу даврдан бошлаб Россиянинг Афғонистон билан расмий муносабатлари тўхтатилади, аммо савдо-сотиқ алоқалари эса аста-секин ривожланиб боради, рус товарлари Шимолий Афғонистон бозорларида кўплаб сотилаётганлиги эътироф қилинган. Д.Н.Логофет Афғонистонда катта мавқега эга бўлган Англиянинг Афғонистонни Россия билан барча муносабатларини узишга даъват қиласидиган ҳамма чораларни кўрган, деб таъкидлайди. [10, С. 18].

Асада 1893 йилда Россия молия вазирлиги Марказий Осиё савдо ишлари масаласини қайта кўриб чиқиши мақсадида, Кобеко бошчилигига маҳсус комиссия тузади. Комиссия Бухоро амирлиги ва Россия божхона тизимини бирлаштириш, шунингдек, Бухоро ва Афғонистон чегара қисми ўрнида рус-бухоро божхона тизимини ўрнатиши масаласини кўтариб чиқади. Натижада, 1894 йилда подшо ҳукумати бухоро-афғон чегара постида рус чегара кўриқлаш хизматини жорий этиш тўғрисида фармон чиқаради.

1894 йилда Россия ҳукумати Бухоро ва Хива чегараларида барча божхона пунктларини олиб ташлаб, уларнинг ўрнига Россия чегара чизигини ўрнатади, натижада Бухоро - Афғон чегараларида рус божхоналари фаолият юрита бошлади. Рув божхона тизимининг ўрнатилишидан кўзланган асосий мақсад, Афғонистонга ўтказиладиган турли хил маҳсулотларни назорат қилишдан иборат эди. Д.Н.Логофетнинг таъкидлашига кўра, Афғонистонга олиб чиқиладиган рус товарларининг ҳажмини ошириш учун "Молия вазирлиги айрим рус товарларини Афғонистонга олиб чиқиши кўпайтириш мақсадида уларга имтиёз белгилади, шу йўл билан Афғонистон бозорларида рус товарларининг инглиз товарлари билан рақобатлаша олишига ижобий шароит яратиб беради". [8, С.129]. Имтиёз берилган товарлар рўйхатига мануфактура маҳсулотлари, керосин, гутурт ва шакар киритилган. Кўриб ўтилаётган даврда Россиянинг Афғонистон билан товар айрбошлиши 5 миллион рублгача етган.

Хуросалар:

Хуроса қилиб айтиш мумкинки, XIX аср охирилари - XX аср бошларида Д.Н.Логофет фаолияти жуда серунум бўлиб, ўзидан кейин кўплаб тарихий асарларни қолдирган. Унинг асарларини Россия империясининг Афғонистонни иқтисодий жиҳатдан эгаллаш, унга сиёсий таъсир ўтказиш мақсадида кўзлаган ниятларини амалга ошириш сари қилинган ишлардан бири сифатида баҳолаш мумкин. Д.Н.Логофетнинг узоқ йиллик изланишлари ва тадқиқотлари Россия манбаатларига хизмат қиласидиган бўлиб, Афғонистонга сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан таъсир ўтказиш ҳамда Марказий Осиё ва Афғонистонда Англия манбаатларига қарши курашишга қаратилган эди.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Бернс А. Путешествие в Бухару. Ч.II. - М., 1848. [A. Berns. Travel to Bukhara. Р. II. - М., 1848].

2. Галкин А. Краткий очерк Бухарского ханства. //Военный сборник. 1890. Т. 196. № 12. - С. 413-416. [Galkin A. A brief outline of the Bukhara Khanate. // Military collection. 1890. T. 196. No. 12. - P. 413-416].
3. Губаревич-Радобылский. Значение Туркестана в торговле России с сопредельными странами Азии. Материалы для изучения хлопководства. Вып. II. - СПб., 1922. [Gubarevich-Radobylsky. Importance of Turkestan in Russian trade with neighboring Asian countries. Materials for the study of cotton. Vol. II. - SPb., 1922.].
4. Губаревич-Радобылский А. Экономический очерк Бухары и Туниса. - РЭО, 1905. [Gubarevich-Radobylsky A. Economic story of Bukhara and Tunisia. - REO, 1905.].
5. Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И.Демезона и Я.В.Виткевича). - М.: Наука, 1983. [Story about Bukhara Khanate (Reports P.I.Demezon and Ya.V.Vitkevich). - M.. Nauka, 1983].
6. Костенко Л.Ф. Средняя Азия и возвращение в ней русской гражданственности. - СПб., 1870.[Kostenko L.F.Central Asiaand the establishment of Russian citizenship in it. - SPb., 1870].
7. Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского. - СПб., 1887. [Krestovsky V.V. Visiting the Emir of Bukhara. - SPb., 1887].
8. Логофет Д.Н. Страна бесправия. Бухарское ханство и его современное состояние. - СПб., 1909. [Logofet D.N. The country of lawlessness. Bukhara Khanate and its situation statement. - SPb., 1909].
9. Логофет Д.Н. На границах Средней Азии. Путевые очерки в 3-х книгах. Кн.: I. Персидская граница. - СПб., 1909. [Logofet D.N. On the borders of Central Asia. Travel reports in 3 books. I book. Borders Persian. - SPb., 1909].
10. Логофет Д.Н. На границах Средней Азии. Путевые очерки в 3-х книгах. - Кн.: II. Русско-Афганская граница, - СПб., 1909. [Logofet D.N. On the borders of Central Asia. Travel reports in 3 books. II book. Borders Russian-Afghan. - SPb., 1909].
11. Логофет Д.Н. На границах Средней Азии. Путевые очерки в 3-х книгах. - Кн.: III. Бухарско-Афганская граница, - СПб., 1909. [Logofet D.N. On the borders of Central Asia. Travel reports in 3 books. III book. Borders of Bukhara-Afghan. - SPb., 1909].
12. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. В 2-х томах. - СПб., 1911. [Logofet D.N. Bukhara Khanate under the Russian protectorate. In 2 volumes. - SPb., 1911].
13. Логофет Д.Н. В забытой стране. Путевые очерки по Средней Азии. - Москва, 1912. [Logofet D.N. In a forgotten country. Travel reports in Central Asia. - Moscow, 1912].
14. Логофет Д.Н. Кулябское бекство // Туркестанские ведомости /газета - 1905. 27 июля (9 августа). [Logofet D.N. District of Kulyab // Turkestan's Gazette / newspaper . - 1905. July 27 (August 9).]
15. Логофет Д.Н. По Каспийскому морю и персидской границе: путевые очерки по Средней Азии. - СПб., 1903. [Logofet D.N. On the Caspian Sea and the Persian border: travel reports in Central Asia. - SPb., 1903].
16. Польный православный богословский энциклопедический словарь Т. II. Изд-во П.П.Сойкина. - СПб., 1913. - С.1129-2464. [Complete Orthodox Theological Encyclopedic Dictionary T. II. Publishing House of P.P.Soykin. - SPb., 1912. - P.1129-2464].
17. Русская интеллигенция. Автобиографии и биобиографические документы в собрании С.А.Венгерова: аннотир. Указ.: в 2-х т. - СПб., 2001. - Т. 1. - С. 603-604.

[The Russian intelligents. Autobiographies and biobibliographic documents in the collection of S. A. Vengerov: annotir. Degree: in 2 volumes. - SPb., 2001 .- T. 1. - P. 603-604].

18. Соловьёв В.С. Д.Н.Логофет-исследователь Восточной Бухары. - М. 2015. [Solovyov V.S. D.N.Logofet - researcher of Eastern Bukhara. - M. 2015].

19. Халфин Н.А. Россия и ханства Средней Азии. - М.: Наука, 1974. [Khalfin N.A. Russia and Khanate Central Asia. - M.: Nauka, 1974].

20. Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. - СПб., 1876. [Khoroshkhin AP Collection of articles relating to the Turkestan region. - SPb., 1876].



Tadqiqot UZ

ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№3 (2020)

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000